


Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлюд учун» Халқаро жамғармаси

**Оммавий ахборот воситалари ҳар бир киши ўз фикрини ифода эта олишга имкон берадиган эркин минбар бўлиши керак.**

**И. КАРИМОВ**

27 июн — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни



- Бизнинг йигирма дақиқалик "Ракурс" кўрсатуви- мизнинг ҳам анча машаққати бор. Баъзан лаҳзалар кўп нарсани ҳал қилади. Шу кунларда "Ракурс"нинг 270-сони эфирга тайёрланмоқда. Биз ватанимиз юк- салиши йўлида фидойлик кўрсатаётган юрдошларимизни халқимизга таништиришга ҳаракат қила- миз,- дейди Ўзбекистон телевидениеси "Ракурс" кўрсатуви муаллифи, режиссёри ва бошловчи- си Ойбек ВЕЙСАЛ ўғли.

## ЮРТИМИЗ ТИНЧ, ОСМОНИМИЗ БЕГУБОР БЎЛСИН



Инсон борки, туғилган тупроғини она Ватан дея эъозлайди, уни севади. Олисга кетганда қалбдаги юрт соғинчи доимо киндик қони тўкилган за- минга чорлаб туради. Ўзбекистонимиз сарҳадла- рини ҳушёрлик билан қўриқлаётган ўқтам, мард, жасур ҳарбийларимизни Ватанимизнинг посбонла- ри, дея шарафлашади. "Ва- танпарвар" газетаси эса юртимиз Куролли кучла- рининг маънавий кўзгуси- га айланган. Узининг илк сонларидан бошлаб юрти- миз ҳарбийларининг кун- далик ҳаётига кириб бор- ган бу газетанинг чоп эти- ла бошлаганига ҳам 10 йил

тўлди. У юртимизнинг ҳар бир қарич тупроғини кўз қорачигидек асраб, кечаю кундуз чегараларимизда сергаклик билан тинчлиги- мизни сақлаётган посбон- ларимизнинг ишончли дўсти, маслаҳатгўйидир. Газетамиз саҳифаларида халқаро террорчилар ва диний экстремистик гуруҳ- ларга қарши жангларда қаҳрамонлик кўрсатган мард ўғлонларимизнинг жасоратларини фахру иф- тихор билан кенг ёритдик. Биз сафимизда ана шундай аскарларимиз борлигидан, улар ҳақида ёзаётганимиз- дан фахрланамиз.

Куролли кучларимиз, бир сўз билан айтганда кудратли Армиямиз бор экан, Ватанимизда ҳар доим тинчлик бўлади. Ос- монимиз беғубор, юрт- дошларимиз хотиржам бўлиб, фарзандларимиз бахтга тўлиб улғаядилар. Бугун биз юртимиздаги барча матбуот ходимлари- ни касб байрамлари бил- лан табриқлаймиз.

**И. АБДУКАРИМОВ,**  
полковник, "Ватанпарвар"  
газетаси бош муҳаррири



**СУВРАТДА:** Наманган вилоят «Аёл ва жамият» га- зетаси бош муҳаррири Дилбар ҲАЙДАРОВА (чап- дан биринчи) газета фаоллари даврасида.

## ЭЛ ХИЗМАТИДА БЎЛМОҚ — ШАРАФ

1981 йил 21 январда Жалаку- дук тумани "Олга" (ҳозирги "Жа- лакудук ҳаёти") газетасида ки- чикина хабарим босилиб чиқ- қанида ҳали мен туман маркази- даги 1-мактабнинг 9-синфида ўқир эдим.

ТошДунинг сиртқи бўлимига ўқишга киришимда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мирмуҳсин ака ёрдан берди. Ушанда халқ ёзув- чисидан "бу қарзимни қандай узаман?" деб сўраганимда, усто- зимиз: "Агар сиз яхши журналист бўлсангиз, шу қарзни узган бўла- сиз", деган эдилар. Тўғриси, ҳар сафар мақолам газетада чоп этил- са, муштарийларга маъқул бўлса елкамади қарзни узаётгандек ҳис этаман.

1995 йилнинг январидан буён вилоят "Андижоннома" газетаси- да ишлаб келаяпман. Бугунги кун қаҳрамонлари ҳақида тўлқин- ланиб ёзгим келади. Баъзида ҳаётимизда учрайдиган иллатлар- ни танқид қилиб тураман. Айниқ- са, "Оила ва жамият"да чоп этил- ган мақолаларим туфайли кўпчи- ликдан яхши фикрлар эшитдим. Ҳали келгусида ҳам қўлимда қаламим билан кўп манзилларга бориб, одамлар билан учрашиб мақолалар ёзиш ниятим бор. Яратганга шукр, бир оиланинг бахтли бекасима, онаман.

Фурсатдан фойдаланиб, мамла- катимизнинг барча журналистла- рини Миллий матбуот куни би-



лан муборакбод этаман.  
**Феруза МИРЗОЛИМОВА,**  
"Андижоннома"  
газетаси махсус муҳбири

## ИЖОД НАҚАДАР ГАШТЛИ



37 йилдирки ҳаётим телевидение билан чамбарчас ўтаётми. 1965 йил- да режиссёр ёрданчиси вазифаси- да иш бошлагандим. Шу даргоҳда соҳларимга оқ тушди.

"Оталар сўзи — ақлнинг кўзи" кўрсатувининг минг-миллионлаб мухлислари борлигидан ва бунда менинг ҳам ҳиссам борлигидан фахрланаман.

Ижод қилиш нақадар гаштли ва гўзал, унинг бетакрор лаҳзалари ижодий зафарларга бой бўлсин. Кас- бимиз байрами арафасида барча журналистларга шарафли ва машақ- қатли ишларида омад тилайман.

**Миработ МИРЗААХМЕДОВ,**  
ЎзТВ "Оталар сўзи — ақлнинг кўзи"  
кўрсатуви режиссёри

## СЎЗИМИЗ ЧИН КЎНГИЛДАН ЧИҚСИН

Яқинда уч йиллик байрамими нишонлаган ва бор-йўғи уч со- атлик эфир тўлқинларидан буг- ун 19 соатлик фаолиятга эриш- ган "Ёшлар" канали ҳамон ўсиш, ўзгаришда. Каналимиз мавзу кўлами, мулоҳазалар теранлиги, сўз кучини етказишдаги маҳор- ати ва илдамлиги, бир сўз бил- лан айтганда ижодий жараён- нинг тезлиги ва тингловчилар билан бевосита мулоқотнинг кўплиги билан қизиқарлидир.

Икки соатлик дастурларнинг ҳар бири ўз табиати, вақт- со- атига кўра тингловчилар руҳия- тига мослаштирилган. Тинглов- чиларнинг кўп қисми тунги эшиттиришларимизнинг мухли- си. Айнан шу қатламнинг ёши ва сони чегараланмаган. Бу эса "Хайрли кеч" гуруҳининг ижод- корларига катта масъулият юк- लाйди. "Тунда овозларимиз узоқларга бориб етади", деган Ҳожа валий. Тунда ижодкор ва мухлис ўртасидаги масофа жуда яқинлашади. Инсон ёлғиз қолганда чинакам суҳбатдош ма- ромига эриша олади. Ҳамкас- баларим Олимжон Усмонов, ҳароратли овоз соҳиблари Раъ- но Алиева ва Рустам Ҳотамов, иқтидорли режиссёримиз На-



симжон Мўминов ва қизиқарли радиомултфилмлар ижодкори Қудрат Аҳмедовлар аллақачон тингловчилар кўнглига кириб борган, деб ўйлайман. Ижодкор меҳнати самарасини кўрганда захматлари эсдан чи- қиб кетади. Кўча-кўйда бизни танимасликлари мумкин, лекин радиодан маълум бир саҳифа- мизни берилиб тинглаётганлар- ни кўриб хурсанд бўлиб кета- миз. Ҳар ҳолда меҳнатимиз ҳаволарга эмас, кўнгилимизга оқиб қирмоқда. Менимча, ижод- кор учун ҳам муҳими шу.

**Зебо МИРЗАЕВА,**  
Ўзбекистон радиоси "Ёшлар"  
канали катта муҳаррири

## ҲОРМАНГ, ТОЛМАНГ — ИЖОДКОРЛАР!

Ҳар чоршанба Шайхонтоҳурда- ги газета дўконига яқинлашар- канман сотувчи газеталар ораси- дан "Оила ва жамият"ни олиб қўлимга тутқазди. Газетани аёлим, фарзанду набираларим даврасида мароқ билан ўқиб чи- қаман. Газетани одамлар учун маълум маънода ибрат мактаби, десак бўлади. Чунки унинг саҳи- фаларида нафақат кундалик ҳаётимиздаги воқеалар, замон- дошларимиз ҳаёти, балки биз

учун азиз бўлган марҳум дўст- ёр- лар ёдига ҳам ўрин берилиши мени қувонтиради. "Хотира — муқаддас" руқни остидаги ай- никса, оналарга аталган ёдномал- ларни ўқиганимда кўз олдимга волидам келади. Унинг саҳар ту- рим биз учун ёпган бўрсилдоқ па- тирларини кўрсайман. Узим ал- лақачон бобога айланган бўлсам- да, онамни эслаганда кўзларим- га ёш келади. Бу гапларни нима учун айтаяпман? Чунки газета ки-

шининг кўнгилдаги меҳр булоқ- ларининг кўзларини очади. Улар- нинг қуриб қолишига асло йўл кўймайди. Газетани мириқиб ўқишдан биз мухлислар хузур қиламиз. Лекин уни тайёрлаш жараёни осон эмаслигини ҳам ҳис қиламиз. Кўз нури, қалб кўрини, азиз умрини аймай сарф этиб ишлайётган ижодкорлар ҳамиша соғ бўлишсин.

**Фуломжон ЖАХОНГИРОВ,**  
Ўзбекистон автомобил ва дарё трансporti агентлиги  
фахрийлар кенгаши раиси



«Оила ва жамият» ижодкорлари! Сизларни касб байрамингиз билан кутлайман. Дунёда эл дарди бил- лан яшайдиган ортик мақсад йўқ. Эл эъзозидан буюроқроқ бахт ҳам йўқдир.  
Ана шундай буюк бахт, эъзоз сиз-

ларга муборак бўлсин! Ҳамиша эл ардоғида бўлинг. Сизларга куч-қув- ват, оилавий бахт, умрбоқийлик ёр бўлсин.

**МАҲЗУНА**

Қашқадарё вилояти,  
Яккабоғ тумани

## МУҲИМИ — ҲАЁТДА ЎЗ ЎРНИМ БОР...



Болалигимданок кино жонидилим эди. Кино тугагач яхши кўрган ролларимни ўзимча машқ қилиб юрардим. Бир гал "Хур қизлар" бўламан деб чўки кетганим, отам раҳматли аранг кўтаргани олгани, "Ўтган кунлар"да Кумуш бўлиб ҳушимдан кетиб қолганимда онам бечора "дод" солиб йиғлаганлари кечагидек ёдимда. Рақс жонидилим эди. Сухандонлик ҳам менга ҳузур бағишларди. Мактабни аъло баҳоларга тугатиб Маданият институтига ўқишга кирдим. Отам раҳматли санъаткор бўлишимга тиш-тирноғи билан қарши, мен фақат онажонимнинг орзулари учунгина ўқирдим. Лекин бир куни отам мен ҳақимда сўраган оғайниларига қайси олийгоҳда ўқийётганимни яширганларига гувоҳ бўлдим. Тошкентга келгач, деканатимдан ҳужжатларимни сўрасам бермади. Чунки яхши талаба эдим. Уйлаб-уйлаб ижарачи аёлни ишга солдим. У меннинг онам бўлди ва турмушга бераётгани-ю, куда томон ўқишга рози эмаслигини айтиб, уларни ишонтирди. Кейин ЎзМУнинг филология факультетига ҳужжат топширдим. Отам энди ҳаммага қаерда ўқийётганимни фахрлини айтиб юрадиган бўлдилар. Хар гал қўш-лоққа борсам, онам: "Ўқишдан эр топсанг, сендек болам йўқ", - деб уқтирганлари боис ҳуштор йигит-

ларнинг баъзилари ўзимга маъқул бўлса-да, дилимда сақлардим. Астойдил ўқидим. Университетни имтиёзли дипломга тугатиб қишлоққа қайтганимда менинг тенгим қолмаган эди. Бир врач йигитдан совчи келди. Онам рози бўлдилар. Ота-онасиз ўқис йигит эканлигини билиб менинг ҳам раҳмим келди. Кейин билсам унга раҳимим келибди-ю, ўзимга раҳимим келмабди. Висола ва Умиджон исмли фарзандларимни дўзах азобиди дунёга келтирдим.

Бутун дардларимни қаламдан олдим, улар қоғозга тўкилди.

"Наманган ҳақиқати" газетасига ишга кирдим. Бирин-кетин китобларим чиқди. Спортнинг теннис тури бўйича аёллар ўртасида чемпион бўлдим. Шундай яшаб турган бир пайтим Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитаси раиси Дилбар Фуломова вилоятимизга ташриф буюрдилар. Семинарда Дилбар Фуломова аёллар тадбиркорлиги борасида гапирдилар. Бу фикрлардан ниҳоятда руҳланиб кетдим. Шу дақиқадан бошлаб оромимни йўқотдим. Орадан кўп ўтмай тадбиркор ва ишбилармон аёллар газетаси "Бегойим"нинг нишонга сони чоп этилди.

Ниятимиз - хотин-қизлар учун чиқарилаётган газета-журналларнинг соғина яна биттага қўлайтириш эмас. Билъакс, буюк зот бўлмиш АЁЛни улуғлаш! Газетамизда замона зайли билан ишбилармонлик, тадбиркорлик, тижоратга, қўйинг-чи, иқтисодиётнинг, маданиятнинг ҳамма жабҳаларида эркеклардан қолишмай, хатто улардан ўзиб меҳнат қилаётган хотин-қизларимизнинг ҳаёти ва фаолиятини ҳар томонлама ёритиш... Энг муҳими, ҳаётда ўрним борлиги менинг энг катта бахтим.

**Васила ТУРДИБОВА,**  
"Бегойим" газетаси бош муҳаррири  
Наманган вилояти

## БЕШИНЧИ ФАРЗАНДИМ — МИКРОФОН

Сухбатдошим — Норжон Носирова бундан 20 йил олдин Навоий вилоятда радио ташкил топганидан буён сухандон бўлиб ишлаб келмоқда.

**- Норжон опа, сизни кўрган одамнинг кўнгли кўтариллади, товушигини эшитиб бутун тани-жони яйрайди, бунда қандай сир бор?**

- Мен Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Хошимовнинг "Оилани муқаддас билмаганлар учун муқаддас нарсанинг ўзи йўқ", деган сўзларини ўзимга шior қилиб олганман. Оллоҳга беадад шукрлар бўлсинки, бахти бекам аёлман. Турмуш курганимизга 20 йилча бўлиб қолди. Халигача одамларнинг ҳавасли нигоҳлари-

ни сезаман. Одамларни яхши кўраман. Мен ўзимни энг бой аёл деб ҳисоблайман. Чунки касб-коримни севаман, қўлимдаги микрофони бешинчи фарзандим, деб биламан.

Турмуш ўртоғим молдавиялик бўлгани учун биз тез-тез ўша ерга бориб тураимиз. Одамлари худди ўзимизнинг одамлардек. Ўртимиздагидек мева-чева ҳам бисёр. Аммо мен учинчи кундан Ўзбекистонни соғина бошлайман. Менинг Ўзбекистонимни Оллоҳ ўз паҳолида асрасин. Одамларнинг тогланлари тўйларга буюрсин.

**Нигора ҲАҚИМОВА,**  
Навоий вилоят ИИБ матбуот гуруҳи катта инспектори

## ДЭД ДАРДИМНИ ҚОҒОЗГА ТУҚАМАП

6-синфда ўқирдим. Она тили фани ўқитувчимиз бизга мақола, ариза, тушунтириш хати ёзиш бўйича дарс ўтди. Дарс охирида: "Шу куннинг долзарб мавзулари ҳақида мақола ёзиб келинглр. Сизларга уйга вазифа шу", - дея яна топшириқ берди. Мен бундан беҳад севиндим. Келгуси дарсга мақолани ёзиб бордим. Ҳали ҳам ёдимда. Бригадамизда олиб борилаётган гўза парварши ҳақида эди ушбу мақола. Эртаси кунги дарсда ҳамма қатори мен ҳам ёзган мақоламни ўқиб бердим. Ўқитувчимиз Эгамберди Очиллов

елкамга қокди: "Сен ёзиб тургин, сенки тузук", - деди. Шу воқеа далда бўлдим, мен ёза бошладим. Мақолаларим туманимиздаги "Шаҳрисабз тонги" газетасида чоп этиларди. Шундан буён шерьлар, мақолалар ёзаман. Ёшим қирққа етибди-ки, бу касбимни ҳамон давом эттириб келмоқдаман.

Барча қаламкаш дўстларимни, матбуотни қадрловчи юрtdошларимизни байрам билан табриқлайман. Касбу корингизга барака ва омадлар ёр бўлсин, азизлар!

**София УЗОҚОВА**  
Шаҳрисабз шаҳри

27 июн — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

**Муҳтарам Улуғовани Ўзбекистон телевидениеси орқали тайёрлаган қатор кўрсатувлари орқали яхши танийсиз.** "Соғлом авлод — бу бизнинг келажагимиз", "Соғлом она, соғлом бола" каби туркум кўрсатувлари учун у "Соғлом авлод" жамғармасининг биринчи даража-ли мукофотига сазовор бўлди.

Қулоғимга, йўқ аниқроғи қалбимга дадамнинг (Аллоҳ раҳматига олган бўлсин) дардли овоз билан Отабекнинг Кумушбиби қабртошига ўйиб ёздирган тўртлигини ўқиганлари ўчмас бўлиб қуйилиб қолгандек.

**Аё чарх, этдинг ортиқ жабр бунёд, Кўзим ёшлуғ, дилимда қолди фарёд. Ҳаётим лолазоридан аюрдинг, Ёқиб жоним, кулим кўкка совурдинг...** Яна дадам шоҳ Машрабнинг "Дастигдин" радиофи мухаммасини кўп ўқирдилар.

**Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастигдин, Ки мен ҳар қайга борсам, дод этарман, дод дастигдин...**

Сатрлар томирида гўёки айланиб юрган қонга жо бўлган дард дадажонимнинг дилларига, дилларидан тилларига кўчарди.

Мен дадамнинг нима учун бу қадар дардли шерьларни ўқилари сабабини аста-секин тушуниб бордим. Ёш йигитлик пайтларида-ноқ мадраса илмини олганликлари учун бошларидан кечирган таъқиблар, бобомдан ме-



гизнинг олдига чиқинг", - дер эканлар...

Дадам болаларга ўйинчоқлар олиб бераверишни ёқтирмасдилар. Эҳтимол, рўзгор тебратиш осон бўлмаганидан шундайдир. Лекин онам баъзи-баъзида ўйинчоқ олиб келардилар-да: "Дадагнинг жабрлари чиқади", -деб қўярдилар. Лекин, қизик, мен бирон марта дадам бизнинг олдимизда онамга: "Мана бунга нега олиб келдингиз?"-деб қаттиқ гапирганларини билмаман. Дадам ўша ўйинчоқни қўлларига олиб чиқардилар, кулимсираб: "Онагиз сизни жуда яхши кўради-да", -

## САВОАТБАХШИМ

рос қолган атлас тўқиш дастгоҳлари учун жа-вобгарликка тортишмоқчи бўлганларида уй-жойни ташлаб қувғинликда юрганларида тортган азоб-уқубатлари, ҳовлимизнинг ён-гинасидиғи машхиднинг ҳайвон боқилади-ган жойга айлантирилиши...

Лекин ана шундай бешафқат, адолатсиз тузум ҳам миллатимизнинг бир гўзал қалби фарзанди бўлган

отажонимнинг асл ўзбекиона, олижаноб фазилатларини йўқ қилолмади. Дадам, айниқса, одамлар ҳожатини чиқарсалар яйраб кетардилар.

Эсимда... Баъзан кимлардир дарвозамиздан қақириб келарди. Дадам унинг олдига чиқиб қайтаркан, ўқдек зувиллаб катта уйга кириб кетардилар ва лаҳза ҳаялламай яна кўчага равона бўлардилар. Сўнгра эшикдан кўзлариди ҳаяжону ҳайрат қоришиб кириб келардилар ва онамга:

- Қаранг, фалон жойдан менинг олдимга ишониб келибди фалончи. Озгина қарз керак бўлиб қолибди, -дердилар ва албатта бизга таъкидлаб мана бу гапни қўшиб қўярдилар. - Кимдир нимагадир зориқиб ёрдам сўраса, иложи борича ҳожатини чиқаринглр. Чунки одамнинг кимдандир кўмак сўраб келиши осон иш эмас. Минг хижолатлик, минг андиша билан олдингизга келади, "йўқ" десангиз, бундан баттар аҳволга тушади...

...Уйимизда тансиқ, ширин овқат тайёрланса, дадам кўча дарвозага қараб: "Қанийди, бир ризки улуг меҳмон келиб қолсайди", -деб тилак қилаверардилар.

...Биз, болалар, дадам билан онамнинг бир-бирларига сал нохушроқ гап айтганларини эслолмаймиз. Лекин улғайганда ўзим англаб олдим: уларнинг араزلанган пайтлари ҳам бўларкан. Ёдимда: баъзи-баъзида дадам ўқийётган китобларини олиб бошқа уйга кириб кетардилар. Ушундай пайтда ёнларига кирсақ, озгина гаплашиб ўтирардилар-да, кейин: "Туринг энди, нариги уйга-онангизнинг олдига чиқинг", -дердилар бошимни силаб. Бу гап заминиди ётган ажиб меҳрибонлик моҳиятини яқин-яқин кунларгача тушунмаган эканман. Падади бузрукворим билан онажоним ҳаттоки келишолмай қолган пайтлариди ҳам бир-бирларини авайлар эканлар. Онам дадам ёлғизланиб қолмасликлари учун ҳар хил баҳоналар билан бизни улар ўтирган хонага йўллаверсалар, дадам: "Онаси хафа бўлмасин, кўнглига ҳар хил гап келмасин", -деган мулоҳаза билан "Туринг энди, онан-

деб қайтариб берардилар. Ҳаётда отажонимнинг бу фазилатларини кўп эслашга тўғри келади. Менинг яккаю бебаҳо отам, отагинам! Ҳаттоки ўзларига ёқмаган ҳолатларда ҳам ўзгаларнинг шаънини, дилини авайлаган саодатбахшим! "Онагиз сизни жуда яхши кўради-да", -деб бизнинг қалбимизга онажоним ҳурматларини чуқурроқ сингди-ранклар ва яна ўйинчоқдан хурсанд бўлиб юрган биз-болаларга озор беришни истамас эканлар...

Отажоним ҳаётларининг охириг қунигача бизга саховатли қалбларининг меҳр-муҳаббат, гамўрлигини баҳида қилдилар. Ҳў ёшларига нисбатан анча навқирон, тетик кўринадиган дадам кутилмаган оғир, бедаво хасталиқдан кундан кунга заифлашиб борсалар-да, бирон марта нолиб, оғриқлардан қийналаётганликларини айтмасдилар. Назаримда, тузалиб кетишларидан умидвор эдилар, Ҳаммамиз Аллоҳдан шунга сўрардик. Лекин... Хотирамга кино тасмасига ёзилган лавҳалардай ўрнашиб қолган: ўша қуни ҳар доим-дадан дадирроқдай эдилар. Тушдан сўнг ювиниб, таҳорат олиб келиб ётдилар. "Овқатни эртароқ пишириб, нариги айвонда ўтириб ёнглр", -дедилар. (Ох, отажоним-а... ўзлари овқат еёлмай қолганликлари учун ёнларига ўтирсак бизга нукулай бўлишининг олдини олганлар-да!) Овқатдан сўнг: "Бугун эртароқ ётиб дам олинглр", -дедилар. Айтганларини қилди ва ярим тунга етар-етмас дадажонимнинг жонхалак, безовта қақирқларидан уйғондиг-у, ярим соатга етар-етмас вақт ичида у нурили чеҳра билан видолашдик. Ушунда 63 ёшда эдилар.

Дадажоним фарзандлари ҳаётда ўз ўрнини топиши, маънан ва моддий қад ростлаб яшаши учун бутун умрларини меҳнат, заҳмат билан кечирдилар. "Мендан сизларга қоладиган мерос-тириклик-гимда олган илмингиз, тарбиянгиз. Яхши ўқинглр", -дердилар ва ўзлари ҳам оддий ишчи бўлишларига қарамай, ҳар қуни китоб, газета, журналларни ўқирдилар, бу пандни қўтулғу васиятдек амали билан давом эттирдилар.

Аллоҳ дадажонимга жаннатидан жой ато этган бўлсин, боқий дунёда бизга шундай инсонларга фарзанд бўлиш бахтини берган Танграм ёруғ юз билан падади бузрукворим билан дийдорлашишни насиб этсин.

Муҳтарам УЛУҒОВА

С издан ёшим анчайин улуг, ҳаётнинг аччиқ-чучуғи, қувончу ташвиши, пасту баланди менинг ҳаёт йўлларимда ҳам учради. Тақдиримдан нолимайман. Тўрт мучам соғ, фарзандларим улғайиб, қанотимга киришган, иктисод жиҳатдан "еганим олдимда, емаганим ортимда. Фақат... Фақат бироз дилим ўксиган. У ҳам бўлса сиздек ҳаётга энгил қаровчи, оилали эканлигини била туриб, бегона эркакларнинг ширин сўзларига шакарғуфторлик қилувчи қизларнинг жабри туфайли содир бўлган... Лекин, бу кечмишлар ўз йўлида, турмуш ўртоғим мендан воз кечмайди. Мен унинг биринчи оиласи, биринчи бахти, биринчи муҳаббатиман. Кўнгил ойнаси дарз кетди холос...

Сўзларим сизга қаттиқ ботаётган бўлса, уэр. Айтишингизга қараганда, оиладашларингиз билан бу ҳақда сўзлашмаган экансиз, мен сизга тўғри йўл танлашингизда кўмаклашай. Сиз хотини ва қизалоғи бор Шерзод акангизни севиб қолганингизни, усиз яшай олмаглигингизни, сизнинг ҳам бировни севишга ҳақингиз борлигини айтибсиз. Наҳотки, сиз ҳаётни бир томонлама ўйлайсиз? Қандай қилиб бировнинг бахтсизлиги эвазига ўз бахтингизни кура оласиз? Эндигина 20 ёшни қарши олган қиз наҳот эрсиз қолибдики, бировнинг бахтини ўйрласа? Қаёққа ёки нимага шошиласиз, қизалоқ, улгурасан ҳали ўша "БАХТ"

га! Ҳаётда сизлардек қизлар борлиги учун ҳам умид билан қурилган неча оилалар бузилиб, болалар тирик етим қолмоқда, кўнгиллар синмоқда... Сиз ички кечинмаларингиз ва "муҳаббат" деб жар солаётган туйғуларингиз ҳақида ёзишдан олдин, ўша муносиёл — "Шерзод акангиз"ни хотинининг ўрнига ўзингизни қўйиб кўринг. Ошингизга пашша тушганда чидай биласизми? Ўз бахтингизни биров билан бўлиша оласизми? Назаримда шо-

Т енгдошим Дилнозахон, сиз ўзингизда содир бўлаётган ҳис-туйғуларни айб эмас, деб ҳисоблаб хато қиласиз. Менимча, оилали кишини севишнинг яхшилиққа олиб келмайди. Шерзод акангизни мард, софдил, ақлли деб мактаб ёзибсиз. Мард эркак хотини билан муносабатини дуч келган қизга айтмайди. Ақлли эркак оиласи, фарзанди учун яшайди. "Қизимни жуда яхши кўраман", дебди. Билиб кўйингки, фарзан-

дини яхши кўрган эркак хотинини ҳам севади. Ҳеч бўлмаганда ота-онангизни ўйланг. Бир тасаввур қилиб кўринг, севган кишингизни бошқа бир қиз сева ва у билан ҳаёт қуришга тайёр бўлса, қизчангиз: "Дадан қанилар?" деб сўраса, нима деб жавоб берардингиз?! Дилноза, ҳаётингизни яхши томонга буришга ҳали ҳам кеч эмас.

ДИЛДОР, 19 ёш

Тошкент шаҳри

## УЛГУРАСАН ҲАЛИ ЎША «БАХТ» ГА...

"Севгимизга тўсиқлар, қаршиликлар кўп" — 22-сон

**ЭСЛАТМА: Шерзод билан танишиб қолиб, ҳар куни унинг машинасида ишга кетадиган бўлдим. Бир куни у мени ёқтириб қолганини, агар рози бўлсам иккинчи хотин қилиб олишини айтди. Ўзим ҳам уни ёқтириб қолгандим. Унинг оиласи, ширингина қизалоғи борлигини, ота-онам эса бундай одамга турмушга бермасликларини ўйласам қийналиб кетаман...**

ДИЛНОЗА

ирнинг қуйидаги мисраларини бир мутулаа қилсангиз, чакки бўлмасди: **Муҳаббатнинг йўллари олис - Насиб этсин унга саодат! Муҳаббатда оқ йўл сенга, қиз, Иймонингдан сўрагин мадад!**

Опангиз П.

Ғиждувон

Х урматли дугонан Дилноза. Юрагингизга "СЕВГИ" аталмиш туйғу таширф буюрган экан, сизни му-боракбод этаман. Ўн саккиз минг оламни яратган Оллоҳ сизни ҳурликда яратди. Райҳондан ҳам хушбўй ис берди. Энди ўйлаб кўринг, яхшилаб фикр қилинг. Шерзодни севадими ёки ёқтирасизми? Сиз бу учрашувларни, суҳбатларни севадими? Шошманг, дугонажон! Сиз уни севадими, чунки ҳақиқий севадими учраган инсонлар бир-бирлари билан учрашув у ёқда турсин, рўпара келишни тасаввур қилолмайди. Гўёки бири қуёш, бири зарра, яқин келса эриб йўқ бўлиб кетадигандек...

Инсон кўнгил қўйган одамни аслидан кўра ортиқроқ баҳолайди, тинмай ундан афзалликлар қидиради ва топади ҳам. Севган кишинини баланд қонга ўзи олиб чиқиб, яна ўзи пойига хоки сўри йиқилади, "унга нолайиқман", деган андиша келаверади. Ана ўшандан кейин зўр бериб ўзини олиб қочишга тушади. Бу, "камчиликларим ошкор бўлса,

Д илноза, ҳаёт йўлида адашманг. Ҳали ёшсиз, энг муҳими қиз боласиз. Ҳаётда тўғри йўлни топишингиз керак. Шерзод акангизни севиб нотўғри қилгансиз. Инсонга бахт, омад ҳаётда бир маротаба келади. Шунини унутманг. Шу ҳаёт йўлида бахтни, омадни ушлаб тўғри йўлга бошласангиз, мақсадингизга эришасиз.

Лола ДАВЛАТОВА

Тошкент вилояти,  
Бўстонлик тумани,  
Кўшкўрғон қишлоғи

Д илноза опа! Ёшим эндигина 16 га тўлди. Аммо сизнинг дил сўзларингизга бефарқ қараб тура олмадим.

Сиз ҳали ёшсиз, у сизни севишига ишондим. Лекин унинг оиласи, қизчаси бор-ку!

Сизга маслаҳатим, у йигитнинг оиласини тиклаб олишга кўлингиздан келганича ёрдам беринг. Сиз эса ўз бахтингизни кутинг! У албатта келади ва сиз бахтли бўласиз.

Дилором АБДЕКЕЕВА

Қорақалпоғистон Республикаси,  
Чимбой тумани

Х урматли қизгина! "Агар эркак билан аёл ёлғиз қолсалар, улар ўртасида шайтон оралайди", деган гап бор...

Оппоқ қизим! Сизнинг ўртангизда ҳеч қандай севаги йўқ. Бу шайтоннинг иши, ўзингизни алдаманг! У сизнинг ёшлигингизга қизиқади, холос, сева олмайди.

Ҳеч бир пок эркак ўз жуфти ҳалоллини ёмонламайди. Ўз хотинини оёқ ости қилган эркакка ишониб бўлмайди.

Аввалом бор ёш қиз иккинчи хотин бўлиб турмуш қуриши уят. Ота-онангиз, қариндошларингиз бунга рози

бўлишмайди. Ота-она розилигисиз қурилган оила бахтиёр бўла олмайди. Қолаверса икки оилали эркакнинг боши ғалвадан чиқмайди.

Сиз шунини чуқур ўйланг! Унинг хотинини ўрнига ўзингизни қўйиб кўринг. У бечора аёлнинг кўзёшларини, норозиликларини ўйланг. Ахир ўрталарида фарзанд бор!

Ўз обрўингизни тўкманг. Ундан узоқлашинг. Ўз тенгингизни топинг, ҳали ёшсиз...

Ғайнижамол АБДУЛЛА қизи,  
кекса ўқитувчи

Тошкент шаҳри

Д илноза, менинг ҳаётимда ҳам сизникига ўхшаш воқеа содир бўлган. Зора сиз бундан тўғри хулоса чиқарсангиз...

Бир куни ўқишдан кеч қайтаётсам, ёнимга бир "Тико" келиб тўхтади. Мен ҳам сизга ўхшаб индамай машинага ўтириб олибман. Ҳайдовчи мендан исимини, яшаш жойимни сўради. Мен ўзим ҳақимда айтдим, у тўғрисида суриштирмадим... Шу билан у мени яна 1-2 марта ўқишга ча олиб бориб қўйди. Бир куни яхшилаб разм солсам, кўринишидан бир оз каттароқ ёшлига ўхшади. "Агар уланган бўлса, бошлаб гапирман", деб ўзимга-ўзим сўз бердим. Яна бир куни машинасига ўтириб, ўқишга бордим. Йўл-йўлакай исимини, ёшини, оиласини сўраб-су-

риштириб билиб олдим. У уланмаганини, энди мен билан яхшилаб танишиб олишини айтди. Мен бироз шаддотроқ бўлганим учун унга: "Агар оилали бўлсангиз, мен учун машинангизни қайта тўхтатман! Пийёда ҳам келавераман. Мени тинч қўйинг. Ҳар ким ўз тенгини топсин", дедим. У индамай кетди. Шу-шу мени кўрса, машинасини тўхтатмайдиган, ортиқча гап қилмайдиган бўлди.

Дилноза, мен сизга севманг, демайман, севинг. Фақат ўз тенгингизни... Худо хоҳласа, яхши бир йигитнинг севимли ёри, ширин-шакар болаларнинг онаси бўласиз. Сиз шунга лойиқ қизсиз...

НОДИРА

Гулистон шаҳри

ёқмай қоламан", деган кўркув эмас, асло! Шундоқ буюклики ўзимники бўлсин деб, таъма қилма-

япманми, деган андиша бу. Дугонажоним Дилноза! Энди яна ўйлаб кўринг. Сиз у инсонни севадими, ёқтирасиз? "Ёқтирар эканман", деяпсизми, балли! "Шу йигитга турмушга чиқмасам, ўламан" ёки "Шу қизни олмасам..." дейиш - ёқтириш, муҳаббат эмас... Ёқтиришнинг сони кўп, муҳаббат эса биттадир. Иккинсининг фарқини билмаганинг тақдири бозор ёки озордир. Яна бир нарсани эслатиб қўйсам. Ота-она розилигисиз қурилган турмуш қадамига қурбонлик сўрайди. Сиз нурили хонадонни маликаси, келинчаги бўлишни ният қилгансиз. Шерзоднинг аёли ҳам яхши ниятлар билан унинг хонадонига келин бўлиб тушган. Сиз уларни тинч қўйинг. Ҳаётнинг оғир-енгиллари бўлади... Сиз уларга тескари қаранг-да, йўлингизда даров этинг. Асло орта қараманг, қайтманг. Сизга бир умрга етадиган севингиз-бойлигингиз бор. Бегуноҳ кичкинтойнинг кўзини ёшламанг. Эртага унга ота керак бўлади...

Шу ўринда Шерзодга айтадиганим... Шерзод! Сиз оилали бўла туриб, нега бегубор бир қизни ўзингизга боғлаб қўйдингиз? Аёлингизни кўриб-билиб улангансиз. Шундай экан, оилангизда бўлинг! Ёш қизларни илтираман деб ўйлаган бўлсангиз, адашасиз. Не-не умидлар билан бир ёстиққа бош қўйган аёлингизни қўйиб, бегуноҳ қиз бола билан юришингиз УЯТДир. Ўйлаб кўринг, адашманг. Мехрибонингиз, жонқуярингиз бу хотинингиздир.

Малика ШУКУРОВА

Тошкент шаҳри,  
Шайхонтоҳур тумани

Д илноза синглим! Дил изхорингизни қайта-қайта ўқиб чиқиб, бу севага ҳақиқий эмас, ўткинчи бир ҳавас, деган фикрга келдим. Севиб-севилиш ўйинчоқ эмас, севингиздан воз кечинг ва Шерзод акангизни бутунлай унутинг. "Нима учун?" дерсиз. Кўзингизни очинг ва ақлингизни йиғиб олинг. Бўлмаса, гулдэк оилани бузилиб кетишига сабабчи бўласиз ва гуноҳга ботасиз. Норасида гўдакнинг уволи тутишидан кўрқинг. "Севги чегара билмайди"

Д илнозахон! Сиз ҳаёт гулшанига энди қадам қўйиб қираётган бир чечаксиз. Келажақда катта гулзор, чиройли боғ яратиш ҳам, ёки ҳаётингизни чўлу биёбонга айлантириш ҳам ўз қўлингизда. Ҳаётда муқаддас аталмиш севиш-севилиш деган туйғулар бор. Агар жиловини қўйиб юборсангиз, бу телба кўнгил нималарни истамайди дейсиз...

Сиз Шерзод акангизнинг чиройли сўзлари, яхши муносабатларига учманг. Ҳақиқий "ҳаёт"ни иккинчи хотин бўлиб теканингиздан кейин кўрасиз. Сиз ўзингизни Шерзод акангиз аёли ўрнида тасаввур қила оласизми? Нақадар пасткашлик бу. Шерзод акангиз ҳам бир вақтлар ўша аёлни севиб, "ёндим-қуйдим" деб

деган гап ҳам борку, дерсиз. Ҳа, бор. Лекин бу нақлнинг маъносига етмоқ керак. Бу дегани "оилали эркакни сева", дегани эмас-да.

Сизга айтар сўзим шуки, кўзингизни каттароқ очинг ва ақлингизни йиғиб олинг! Севингиздан воз кечинг! Севишли адбимиз Ўткир Хошимов айтганларидай: "Оилани муқаддас билинг!"

Хусанбой ОТАЖОНОВ

Хоразм вилояти,  
Хива тумани

уйлангандир... Энди ота бўлганида, сочига оқ оралаганда кўнгиллари бошқа аёлни истаб қолдими? Лекин Шерзод акангиз бир нарсани, оиланинг буюклигини, муқаддаслигини унутиб қўйибди. Синглим! Сизни не-не умидлар билан катта қилган ота-онангизни шарманда қилманг!

Дилнозахон! Севги, садоқат, фақат покиза қалбларга хосдир. Сизнинг покиза қалб эгаси бўлиб қолишингизни тиламанг.

Вилоят ЙҮЛДОШЕВА,  
Сирғали туманидаги  
305-мактаб бошланғич  
синф ўқитувчиси

рин қизалоқингизни ота мехрига зор қилманг. Дилнозахонинг ота бахтли бўлишига йўл очиб беринг. Унинг қалбидagi ишқ ўтини аста-секин сўндиринг. Орзу-ҳавасга берилиб, дивнатни эсдан қижарманг. Бирини бахтли қиламан деб, иккинчисини бахтдан бенасиб қилманг. Дилноза, истасангиз сиз билан опсингил бўлиб қоламан. Бахтли бўлиб кетсангиз, жудаям хурсанд бўламан.

Азиза ЙҮЛДОШЕВА

Шахрисабз шаҳри,  
Беруний кўчаси, 18/1-уй



Кайнонangиз Мавлуда

**Азиз келинимиз ГУЛНОЗА!**

Сизни туғилган кунингиз билан табриклаймиз. Оилангизнинг, фарзандларингизнинг бахтига доимо соғ бўлинг. Илоҳим ўғлим Муроджон билан кўша-қариб юринглар. Фарзандларингизнинг тўйларини кўринглар.

“О”



**Қалблар қувончи, диллар ардоғи, кўнгил чечағи, юрак таянчи ДИЛФУЗА!**

Таваллуд айёминг билан кутлаймиз. Илоҳим умринг узун, ризкинг бутун, чеҳранг гулгун, бахтинг устун бўлсин хамиша.  
**Камоли Ахтиром ила дўстларинг**



**Хурматли ХАБИБУЛЛОЖОН!**

Туғилган кунинг билан чин дилдан табриклаймиз. Ишларингга омад ва ўзингга соғлиқ тилаймиз. Умринг узоқ ва мазмунли бўлсин.  
**Оила аъзоларинг**

**«ЧАРОС-НИХОЛ» ЁҚУВ МАРКАЗИ**  
қуйидаги курсларга таклиф этади:  
— сартарошлик; — уй ҳамшираси; — косметолог; — массаж; — бичиш-тикиш; — тўй ва оқшом кўйлакларини гуллар ва мунчоқлар билан безатиш; — Элита пардалари.  
Телефонлар: 64-16-89, 64-54-58  
Манзил: ТТЗ-2 маззаси.

**Азиз ва меҳрибон Мавлуда ШОДИЕВА!**  
Сизни таваллуд топган кунингиз билан чин қалбдан табриклаймиз. Соғ-саломат бўлиб, умр йўлдошингиз билан фарзандлар бахти ва камолини кўриб юринг.  
**Турмуш ўртоғингиз, фарзандларингиз — Мавжуда, Олия, Ойбек, Хусниддин**

1. “Элита” услубида парда, пакривал, дастурхон тикиш учун бу юртма қабул қиламиз. 2. Тўй ва байрамлар учун келин-куёв шакли билан торт, пишириқлар тайёрлаш учун буюртмалар қабул қиламиз. Шу курсларимизга малака ошириш учун ўқувчилар қабул қиламиз. **Тел : 49-18-71, 106-40-64**

**Янги усулда замонавий “Элита” пардаларини тикишга буюртма қабул қиламиз. Тел : 40-49-46**

**ҚИЗ ҚАЛБИНИ ТУШУНСА...**

Хар гал қўлимга қалам олиб, ўзим ҳақимда ёзиб юбораман дейману, истиҳола қиламан. Аммо бугун ёзишга журъатим етди.  
Талабалик йилларим бошқа вилоятлик бир йигитни севар эдим. Аммо ота-онам: “Узоққа қиз бермаймиз”, дейишди. Ўқшни битиргач эса, холамнинг ўғлига унаштиришмоқчи бўлишди. Лекин мен қарши турдим. Чунки холамнинг ўғли мени қизиқтирмайди. Уни сева олмайман. У акамдек кўз олдимда катта бўлган.  
Умрим ўтиб борапти. Дугоналарим аллақачон бир-икки болалик бўлишди. Улар оиласи, фарзандлари тўғрисида гапиришади. Уларга ҳавасим келади, аммо улар ҳам менга ҳавас қилишармикан?..  
Баъзан ўқганимга афсусланиб кетаман. Биринчи ўринда инсоннинг шах-  
**ЭСЛАТМА: «Қайда ўзи ўша бахт?» рукни остида берилган эълолар эгалари билан боғланмоқчи бўлганлар мактубларини тахририятга юборишлари ёки ўзлари ташриф буюришлари керак. Телефон орқали маълумотлар берилмайди.**

сий ҳаёти турар экан. Ўқитувчиман, лекин яхши уй бекаси бўлишни орзу қиламан. Қўлимдан ҳамма иш келади - овқат қилиш, пишириқлар пишириш. Озодаликини, саранжом - саришталикни яхши кўраман.  
Ниятим қиз қалбини тушуна оладиган йигит билан танишиш. Мен ҳар томонлама етуқ инсонни изламаяпман. Бундай инсон китобларда бўлади. Лекин бир умр бирга яшайдиган одамни ҳурмат қиладиган, йигитларга хос мардлик, камтарлик хислатларига эга инсон бўлса, танишмоқчи эдим. Фафур Фулом айтганидек:  
**Тақдирин қўл билан яратур одам, Ғойибдан келажак бахт бир — афсона.**  
Бир йигитни бахтли қилишимга ишонаман...  
**МУНИРА**

**Қайда ўзи ўша бахт?**



**МАРХУМЛАРНИ БЕЗОВТА ҚИЛМАНГ**

Отам раҳматли бизга кўп ибратли воқеаларни айтиб берарди. Айниқса: “Вақти-вақти билан қабристонга бориш, мархумларни безовта қилиш яхши эмас. Шунинг учун уларга аталган дуойи фотиҳани уйда қилганингиз маъқул. Қизларим, ҳеч қачон эсдан чиқарманглар, вақти келиб биз ҳам бу дунёни тарк этармиз. Ана шунда йиғлаб-сиктаб ҳадеб қабристонга бизни йўқлаб бораверишингиз жоиз эмас”, - дея кўп такрорлар эди. Бу гапларга ўша пайтларда унча кўп аҳамият бермагандик. Йиллар ўтди. Бир воқеа сабаб отамнинг ўша гаплари бот-бот ёдимга тушадиан бўлди. Ўшанда қўшнимиз Назми опа раҳматли қайнонасининг йили ўтгач, қабрига гул экиш учун қабристонга бормоқчи бўлибди.  
- Буни эшитган икки қўшни жувон ҳам мен билан бирга боришмоқчи бўлди, - дейди Назми опа. - Улардан бири онасининг, иккинчиси эса онасининг қабрини зиёрат қилишмоқчи экан. Қабристоннинг дарвозасига етиб борганимизда мен кираверишда тўхтаб атрофга қараб салом бердим. Руқларини безовта қилаётганим учун мархумлардан узр сўраб, бир қалима қурьон тиловат қилдим. Қўшни жувонлар эса ўзаро гаплашганча олдинда кетиб боришарди. Шундай қилиб хар ким ўз яқинлари дафн этилган жойга кетди. Мен қайнонамнинг қабри олдида тиз чўкиб тиловат бошладим. Шунда негадир улар кетган томондан овоз эшитилгандай бўлди. Бир пайт қарасам: “Назми опа, Назми опа,” - дея Карима исмли жувон югу-

риб келаяпти. Унинг ранги қув ўчиб кетганди.  
- Нима бўлди, нега рангингиз оқариб кетди ёки қўрқдингизми? - дея сўрадим юрагимга гул-гула тушиб. Шунда у: “Вой ўлай, нахотки эшитмайсиз, қулоқ солиб кўринг, мана бу овозлар қаердан келаяпти, - деб сўради.  
Шундагина аҳамият берсам, чиндан ҳам сокин қабристон узра қандайдир хўрсиниққа ўхшаш, “о-о-о-xxx”, “у-у-у-xxx” дегандек овозлар тараларди. Мен дарров ўзимни қўлга олдим. Уларга қараб: “Мана кўрдингизми, қабристонга кираётганимизда аввало мархумларга салом бериш, дуо ўкиб кириш керак эди-да, сизлар эса ундай қилмадингиз” - дедим.  
Икки жувон эса кўзларидан ёш қайта-қайта мархумлар ётган жойларга қараб таъзим қилишди. Утириб дуойи фотиҳа ўқиди. Бир оздан кейин ҳалиги овозлар тинди. Қабристон сув қуйгандек суқунатта чўмди. Сўнгра, қабристон қоровули келиб қурьон тиловатини бошлади. Хуллас, биз ўша кунни уйга қандайдир ваҳима билан қайтдик. Бу қабристонга борарканмиз эркакларимиздан биронтасини эргаштириб олганимиздан афсусландик.  
Мен Назми онанинг бу ҳикоясини тингларканман отамдан эшитган гапларни эсладим. Демак, кўпни кўрган отам бизга ўша ўғитни бекорга айтмаганлигини тушундим.  
**Саодат ҚОСИМОВА**  
Собир Раҳимов тумани

**Ажойиб-гаройиб**

**ДИЙДОРИГА ЗОР-ИНТИЗОРИМИЗ**

Мен ва тўрт нафар укамлар энг кенжа укамизни ўттиз йилдан бери ахтарамиз. Онам вафотидан кейин отам тўрт ойлик норасидани болалар уймага топшириб юборганлар.  
**Овоз беринг қайдасиз?**  
У ердан эса кимдир асраб олган. Укамга “Очилбой” деб исм қўйгандик. Ҳозир балки исми ўзгартирилгандир. Бу воқеа 1964 йилда содир бўлган. Демак, у 1964 йилда туғилган эди. Очил-

бой укамиз соғ-омон бўлса, биз-жигарлари йўлига, дийдорига зор-интизор эканлигимизни билиб хонадонимизга кириб келса, деб орзу қиламиз.  
**Товбой АВВАЛБОВ**  
Самарқанд вилояти, Булунғур тумани, Чўйит қишлоғи

**ЭЪЛОН**

**“Окулист” хусусий шифохонаси замонавий тиббий ускуналарда**  
а) болаларда жарроҳлик йўлисида гилай-гилани даволайди;  
б) болалар амблиопиясида кўриш қобилиятини тиклайди;  
в) тренажёр даволаш ускуналарида миопия ва гиперметропияда кўриш қобилиятини тиклайди.  
**Мурожаат қилиш учун манзил: Чилонзор - 12, 17-й, 3-хонадон. Мўлжал: Фарход бозори ва Саннат курилиши банки оралиғида. Тел: 76 - 89 - 89**

**“ЭЛИТА” усулида парда ва пакриваллар тикишни ўргатаман, тикишга буюртма қабул қиламан. Тел: 22-73-73. РАЪНО**

**ТОШКЕНТДАГИ “ХАДИЧА-САЁХАТ” ЁҚУВ МАРКАЗИ ЎҚИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ:**

**3-ойлик:** - Бичиш-тикиш **3-6 ой:** - Парда ва чойшаблар тикиш (Элита); - Эркаклар костюм ва шими; - Юмшоқ ўйинчоқлар ва сўнлий гуллар тайёрлаш; - Қандолатчилик; - Сартарошлик **3-6 ой**; - Уй ҳамшираси-**3 ой**; - Массаж **2 ой**.  
**Манзил: Янгиобод даҳаси, “Янгиобод” кинотеатри биносини ичида. Тел: (998712) 98-71-98. Автобуслар: 5, 23, 26, 30, 48, 61, 104, 119. Маршрутлар: “Раф” 18, 15, 57, 75, 80. “Otayollar” 45, 39, 64.**

**“ДИЛОРОМ” ўқув маркази қуйидаги курсларга таклиф қилади:**

**2 ойлик:** - Компьютер билимлари: (Windows-98; MS Office; Internet - E-mail); - Компьютерларнинг ростлаш ва модернизациялаш; - Замонавий бухгалтерия ҳисоби; - Замонавий пардалар ва чойшаблар тикиш (“Элита” усулида).  
**3 ойлик:** - Бухгалтерия ҳисоби ва компьютер таълими; - Инглиз тили, видео-аудио материаллар ёрдамида (бошловчилар ва давом эттирувчилар учун); - Тикиш-бичиш, моделлаштириш (енгли ва устки кийимлар). Битирувчиларга диплом-сертификат берилади.  
**Манзил:** Абдулла Қодирий кўчаси, 13-уй, 2-қават, 55-хона. Мўлжал: Метронинг “Алишер Навоий” бекати, Стоматология поликлиникаси ёнида. Тел: 144-03-25, 144-92-39, 22-59-55

**“ЎКТАМХОН” ўқув маркази ўқишга таклиф этади: (ўқишга ҳар ойда қабул қилинади)**

1. Бичиш-тикиш - **3 ой**; бошловчилар учун - **6 ой**. Бунда сиз 100 дан ортқ замонавий либослар, костюм-шима, бешик усти жиҳозларини бичиш-тикишни моделлаштиришни ўрганасиз. 2. Ҳамиралик - **6 ой**. 4 ой ўқиш, 2 ой амалиёт машғулотлари ўтлади; 3. Кашатчилик - **3 ой**, машинада тикиш - **3 ой**; 4. Зардўзлик (бухороча) - **3 ой**;  
5. Сартарошлик - **3 ой** (амалиёт билан); эркаклар учун - **2 ой**;  
6. Массаж (амалиёт билан) - **2 ой**.  
7. Торт ва турли пай пишириқлар - **2 ой**.  
8. Инглиз тили - **3 ой**;  
8. Парда ва пакриваллар тикиш - **1 ой**.

Ўқишни тугатганларга диплом берилади. Лиц: № 587  
**Манзил:** Юнусобод тумани, 3-маъзе, 1-уй, 31-хона. Мўлжал: Юнусобод бозори орқасида. Тел: 121-77-72 (соат 8 дан 17 гача), 125-46-27, 125-97-93 (кеч соат 17 дан 22 гача).

**“КАМОЛОТ-КОМПЬЮТЕР” ўқув маркази таклиф қилади.**

**3 ойлик курслар:** - Инглиз тили, - Инглиз тили ва компьютер, - Компьютер билимлари: (Windows-2000, Ms Бухгалтерия ҳисоби ва компьютер билимлари, - Банк иши ва компьютер билимлари, - Бухгалтерия ҳисоби, - Енгли авто-электр қисми Теле-радио-видео апаратураларини таъмирлаш устаси, - Рус тили. - Компьютерларни таъмирлаш устаси - **1 ойлик**.  
**2 ойлик курслар:** - Компьютер билимлари: (Windows-2000, Ms Office) INTERNET, E-MAIL. - Бухгалтерия ҳисоби, - Енгли авто-электр қисми ремонти. **1-С Бухгалтерия** дастури — **1 ойлик**.  
- Компьютер, принтер, телевизор таъмирлаймиз.  
**Курсларни тугатгандан сўнг диплом берилади. Манзил:** Тошкент, Навоий кўчаси-9, “Пищепром” лойиҳа институти биносининг 4-қавати. (ТРАСТБАНКнинг ёнида.) Тел: 41-33-96, 41-07-82

**“ХОЛИС-УМИД” ФИРМАСИ замонавий касб-хунар курсларига таклиф этади:**

**КОМПЬЮТЕР САВОДХОНЛИК КУРСЛАРИ:**  
- WINDOWS-2000, Microsoft Office-2000, Microsoft Word-2000, Microsoft Excel-2000, Ms-dos, NC-2 ой.  
- Бухгалтерия ва компьютер билимлари-4 ой.  
- Бухгалтерия ҳисоби -2 ой.  
- Инглиз тили (компьютер ёрдамида)-3 ой.  
- Акушерлик-6 ой.  
- Ҳамиралик-3 ой.  
- Аёллар ва эркаклар сартарошлиғи (Машгулотлар салоҳати ўқитилади) - 3 ой  
**ДИККАТ!** Фирмада замонавий оқшом либослари ва “Elite” усулидаги пардалар тикиш, келин-куёв либослари ижарга берилади.  
Ҳар бир курснинг текзор гуруҳлари мавжуд. Машғулотлар ҳафтада 3 марта олий тоифадаги мутахассислар томонидан амалиёт билан олиб борилади. Муваффақиятли битирганларга ДИПЛОМ берилади.  
**МАНЗИЛИМИЗ:** “Халқлар Дўстлиги” метроси, “Олмасзор” массиви, 8/1-уй, 5-6 йўлаклар, 1-хонадон, 1-қават. Телефон: 47-09-52, 42-76-06.

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЯГОНА БИЧИШ ВА ТИКИШ ЁҚУВ МАРКАЗИ «МОҲИР ҚўЛЛАР»**

Қуйидаги пуллик курсларга қабул эълон қилади:  
— Моделинг-технолог (бичиш-тикиш курслари) — 2; 4 ойлик; — Модерни конструктор (янги моделларни яратуви, 100% бичиш билан шугулланиш шарти асосида) — 2 ойлик; — Эркаклар кийими — 2 ойлик; — Аёллар костюми, пальтоси, плащани — 3 ойлик; — Даргада, парда, чойшаб, ёстиқ, дастурхонлар — 1,5; 3 ойлик.  
**ДИККАТ!** Хоҳловчилар учун яқна тарзда мини-гуруҳларда (3-5 кишилик) олиб борилади. Енги таътил даврида махсус гуруҳлар қабул қилинади.  
**Мақтаб ўқувчилари учун чегирмалар мавжуд!**  
Битирганларга диплом берилади. Қабул хар кун (яқнабидан ташқари) соат 10 дан 14 гача. **Манзил:** Пушкин кўчаси, 7-уй, 3-бизнес мактаби, 4-қават, 524-хона. Мўлжал: Метронинг “Амир Темур” бекати, Магазин “Top moda”, Тел: 133-73-97, 76-71-95.



# КҮНГИЛЛАР КҮНГИЛДАН СУВ ИЧСИН...

"Янги сўз — жон озиғи", — дейди доно халқимиз. "Оила ва жамият" — дан ҳамназа руҳий мадда, маънавий озук оламан. Мен шифохоналарда кўп бўламан. Негаки, хастаман, ногиронман. Не қилай, илоҳим йўқ. Йиллардан йилларга дардимни ортмоқлаб яшайман.

Баъзи дардлар олдида шифокорлар ҳам ожиздир балки, бироқ улар тасаллиси хаста дилларга қанчалар мадор бўлишини билсалар эди. Ушунда туман жаррохлик бўлимида даволанар эдим. Жисмида дард, дилимда ғам, гўё икки ўт орасидан... Қалби либосидек оқ ҳамшира қизлар ёнимга келишди. Улардаги болаларча масъумлик, самимилик хаста дилларга маъна бўлди. Хар гал эсласам, қалбимда илиқлик сезаман. Ўқинг, энгиллашасиз, дея "Оила ва жамият" ни узатишди. Бош врач хузурга кириб, ҳамшира қизлар ҳақида дил ташаккуримни изхор этдим. "Бу уларнинг бурчи", дея изоҳлади бош шифокор. Аслида самимилик, ширинсуханлик хар бир қалб эгаси учун бурч эканини барчамиз англадик эдик. "Гавҳар, Маъмура сингилгинам (уларнинг исми шундай) рўзномани, маънавий озукани менга узатдингиз. Ўзингиз завқ олган нарсаларни менга ҳам раво кўрдингиз. Ташаккур сизга!!! Қанийди, ўзимиз баҳра олган нарсалардан ўзгани ҳам баҳраманд эга олсак... Узаро самимилик, меҳр-оқибат ҳаёт мезони эмасми, ахир? Ҳазрат Навоий тавқидлаганидек:

**Нафнинг агар улусга**

**Билки бу нафъ**

**Ўзунга кўпроқ дурур.**

Элга қанча кўп наф келтирсанг, улусдан ўзинга янада кўпроқ наф келади. Бу асрлар синовидан ўтган ҳаёт сабоғидир. "Айтилган сўз —

отилган ўқ". Бу ўқ билан бирор дилни майиб қилиб қўймайлик. Аксинча, илиқ сўз билан хаста дилларга маъна бўлайлик. Ахир бир ғариб дилни шод этиш Маккани обод қилиш билан баробар, дейдилар-ку. Жамики мавжудод куёшдан нур эмиб

## Фақат сизга аталган сўзим

яшайди. Одамзод ҳам шундай. У ҳам меҳрдан, муҳаббатдан куч олиб яшайди. Бусиз майиб, хаста бўлиб қолади. Заифгина, хастагина жисимим дарда кўниккан. Бироқ нозиккина қалбим кўполликка чидалмас асло. Кўнгилни шиша мисол нозик дейдилар. Мажруҳ диллар-чи... дарз кетган шиша, сал элқинга ҳам "дув" тўкилади.

Эҳ, қанчалар, қанчалар зорман озгина меҳрга, тасаллига... Мушфиқ дилим меҳр-шафқат истай-истай чўққа айланган гўё. Эй-воҳ, ёниб кетмасам эди.

Дардан жизганак қалбим билмас сира тин. Ўзига йўл топмоқчи қалбларингиздан. Аслида ҳам ярим қалбимда сиз соҳибсиз, азиз одамлар. Ахир нега севмайингиз сизни? Динимиз бир, иймонимиз бир, тилимиз бир, заминимиз бир, еру сувда ризку рўзимиз бир ва охиратга элтувчи мазоримиз бир. Буюк ҳикмат, табаррук ҳадис: "Сўзда сеҳр, шеърда эса ҳикмат бор".

**Жафо тошин отиб, синдирма кўнгил шишасин эй шўх,**

**Бу гавҳар санинг мулқингдур,**

**Шоир-таржимон, қалб таржимони...**

Бу айт изоҳ талаб этмас, йўқ ҳожат. Кўнгиллар кўнгилдан сув ичса зотан, дил-дилга пайванд бўлса... Бир-биримизни асраб-авайласак, ардоқласак — эҳ, бундай ҳаёт қанчалар завқли!

Президентимиз олий минбардан ту-

риб, хар гал ўз элига қарата: "Ҳамангизни бағримга босаман", — дея лутф қилганларида меҳру эъзоздан кўзимга ёш силқиб, тўлиқиб кетаман гўё. Меҳр деганлари шунчалар қудратли, шундайин чексиз эканки, бир инсон бутун бир халқни бағрига ололса, биргина инсон қалби улкан халққа меҳр улаша олса.

Азизлар, биз ҳам Президентимиздан ибрат олайлик, шундай коммуналка интилиб яшайлик. Зеро, буюк шоир айтганидек:

**Одавий эрсанг демагил одавий,**  
**Ониким йўқ халқ ғамидин ғами.**  
Эл дарди билан ёниб яшар хар бир инсон учун олий мақсад бўлмоғи лозим.

Кечиринг хисларим бетизгин, мана асл мақсадга келдим. Ҳаёт фалсафаси шундай аҳди дилимга солди: ҳамшиша эзгуликка интилиб яшашни... Навоий фикрича:

**Илгимдин келгунча золим тигин ушатиб,**

**Мазлум жароҳатига интиқом малҳамин кўйгум.**

Шу заминдаги барча инсон менга жон қадар азиз, суюкли. Шу азизлар дилга заррача гард кўнмасин дейман. Шоир айтмоқчи:

**Юз жафо қилса фарад,**  
**бир қатлағ фарёд айламан.**

**Элга қилса бир жафо,**  
**юз қатлағ фарёд айларам.**

Халқимизни меҳмондўстгина эмас, меҳр-мурувватли халқ дейишга ҳақлимиз.

Кўёш Шарқдан чиқади. Кўёш аслида "меҳр" демакдир. Демак, олам-жаҳонга меҳр, зиё Ўзбекистондан таралади. Ўзбекистондан! Ўзбекистондан!

**М. САЛОХИДДИНОВА**  
**Қашқадарё вилояти,**  
**Яккабоғ тумани, Амир Темур номидаги ширкат хўжалиги**

# ЮРАГИМГА МУҲРЛАНГАН

Инсон умри киприқдаги ёшга ўхшайди, дейишса ишонмасдим. Ҳамиша ёнимда бўлган қадрдон бумини бирдан йўқотиб қўйганимдан сўнг бу аччиқ ҳақиқатни алам билан тан олдим.

Бувимнинг умри ҳаёт киприқидан узилди. Аммо унинг ёрқин хотираси ёрқин лавҳаларга айланиб, юрагимга бир умрга муҳрланиб қолди.

## ЖАЗО

Болалигимда ўзимдан кичик укаларим йўқлиги учун кўпроқ ўғил болалар билан ўйнардим. Шунинг учунми, уларга тақлид қилиб, қизларга хос бўлмаган ноурин шўхликлар ҳам қилардим.

Бир кун йўқоқларим билан гаров ўйнаб, уйимизга туташ турган гўзапоғи гарамига ўт қўйиб юбордим. Офтобда қизиб турган ўтин бирдан ловуллаб ёниб кетди ва кучли олов уйимизга ҳам туташди. Шундагина қилиб қўйган ишмининг даҳшатини ҳис қилиб, қўрқиб кетдим. Хайриятки, бутун маҳалла ёрдамга келиб оловни ўчириб қолишди.

Бир чеккада ҳурпайиб турган эдим, қўшимча Солия хола олдимга келиб, кўзларини ола-қула қилиб пўпаса қилди:

- Қиз эмас, қизил кўз бало экансан-ку. Агар менинг қизим бўлганимда нақ уриб ўлдириб қўярдим.

Бунга эшитиб турган бувим ёнимни олиб, деди:

- Ундай деманг, қўшни. Эси йўқда, эси бўлса шу ишни қилармиди? — сўнгра қўшиб қўйди. — Хали кўрасиз катта бўлиб ақли кирганда қилган ишини эслаб, ўзи уялиб юради.

Бувим тўғри башорат қилган экан. Болалиқдаги ўша ноҳўя қилигимни ўйласам, ҳали-ҳали ловуллаб ёна-

ётган олов ёнида тургандай хижолатдан қизариб кетаман.

## САДОКАТ

Бизга қўшни маҳаллада урушда бир қўлидан айрилган Чопқи тоға деган киши бор. У мени қачон кўрса:

- Ха, Саиднинг невараси, бувинг тинчми, сўраб қўйгин, — дерди-да, сўнг, — э аттанг, аттанг, — деб қўярди.

Болалигимда унинг сўзларини тушунмасдим. Ҳайрон бўлиб бувимдан сўрасам, "катта бўлганимда биласан", — дерди.

Кейин билсам, Чопқи тоға ўзига тенгдош бўлган бобомнинг урушда ҳалок бўлганлиги, ўша пайтларда 26 ёшлардаги дурқун жувон бўлган бувимнинг қайта турмуш қурмасдан бо-

## Хотира — муқаддас

бомга садақат сақлаб, умрини ёлғизликда ўтказганлиги кўп шундай дер экан.

Гулдай фарзандлари, оиласи бўла туриб, бегона эркакларга илашиб юрадиган энгилтак, нопок аёлларни кўрганымда бувимнинг бардошига, садақатига таъзим қиламан.

## ИМЗО

Аваллари эътибор бермас эканман. Бир сафар почталыондан нафақа пулини олаётган бувимнинг қандай имзо чекишига қизиқиб қараб турдим. Бувим ўзининг исми ва фамилияси тўғрисига ҳафсала билан "СССР", деб ёзиб қўйди. Кулгум кистади:

- Бувим, нимага фақат "СССР", деб ёзасиз? Ахир дунёда мамлакатлар кўп-ку! Масалан, Америка, Англия, Франция...

- Қуйсанг-чи, — бувимнинг жали қийди. — У жойларнинг отини ёзишни билмайман. Агар мени ўқишдан ҳайдаб юборишмаганда-ку, кўп нарсаларни

ўрганардим-а, — шундай дея бувим хира кўзларини мўлтиратиб қараб қўйди.

Билсам, бувим саводсизликни туғатиш курсига бир ҳафта катнаганида, унга "СССР" сўзини ёзишигина ўргатишган, кейин эса: "Сен бойнинг келини экансан, сенга мактабда ўрин йўқ", — дея ҳайдаб юборишган экан.

Бувим атиги икки йилгина яшаб турганда эди, юртимиздаги Мустақилликни, омон-омон замонларни ҳам кўрарди. Мен бувимга мустақиллик, истиқлол, истиқбол сўзларини ёзишни ўргатардим. Ва хар гал нафақа пулини олаётганда ана шу сўзларни ҳафсала билан ёзган бўларди. Шуларни кўз олдимга келтираману, бирдан юрагим тўлиб кетади.

## ВАСИЯТ

Бувим кўп уқтирарди: "Мен ўлсам кўп йиғламагин, бўлтим! Биласан-ку, сенинг кўз ёшларингга ҳеч чидалмайман. Рухим ҳам қийналади. Мотам тутиб, қоп-қора қўйлақ ҳам киймагин, ям-яшил атлас кийгин. Сенга атлас жудаям ярашади-да".

Бугун табиат худди бувим яхши кўрадиган ям-яшил атласга бурканган. Борлиққа боқиб кўзларим яшнайдим. Мамнун пичирлайман: Бувижон, сиз юмшоқ, беозор кампир эдингиз. Сизнинг васиятингиз ижобат бўлиб, нафақат мен, балки бутун табиат яшил атлас киймоқда. Қабрингиз устида очилган гул-чекчақлар эса худди атласнинг гулларига ўхшайди.

Бу ҳол хар йили, хар баҳор тақрорланаверади, тақрорланаверади. Гўё табиат ҳам садақат ва меҳрибонлик рамзи бўлиб яшаб ўтган бувимга эҳтиром кўрсатаётгандай туюлади, назаримда.

**Раҳима АБДУРАҲИМОВА**  
**Андижон вилояти,**  
**Жалақудук тумани**



# ҚИЗЛАРГА АТАЛГАН СЎЗЛАР

Яна **шаҳвоний нафс** хусусида. Ҳаётда энгилтак эркаклар сони шу хилдаги аёллар сонидан кўпроқдир балки! Аммо, қизойим, бизнинг зот учун энг ориятлиси шуки, ахлоқий чатоқлик биринчи бўлиб аёллардан бошланади, ҳа, ҳамшира шундай! Чунки аёл изн бермаса, имконият яратмаса, энг суюқ эркак ҳам чегарадан чиқолмайди. Нияти ушалмайди.

Яна **шу нафс** хусусида. Фалакнинг гардиши билан бир неча ашаддий саёқ эркакка бир оқила аёл ҳамроҳ бўлди, дейлик. Аёл кишида шундай қудрат борки, агар унинг нияти, феъли покдомон бўлса, ўзига ҳам гард юқтирмай, ёнидаги чатоқ эркакки бор, барини шайтондан ҳалос қилиб, инсофу виждонини алифдай тиккалаб қўяди.

Аксинча, шу кунгача бирор марта хиёнат қилмаган, ҳалолу пок бир гурӯҳ эркак бир энгилтак аёлга синов учун ҳамроҳ этиб қўйилса, аёлда шундай бир макр борки, кўп ўтмай у доно эрларнинг ҳаммасини эътиқодидан тондириб, эс-ҳушидан айириб, бир тўп гуноҳкорга айлантириб қўя олади.

Хулоса: "Фалончи эркак авраб, мени ёмон йўлга бошлади", — деган аёл ёлғон гапиради! Жаннат ҳам, дўзах ҳам аёл тоифасидан бошланади!

Яна **шу хусусида**. Зино нима? Бу-эркагу аёлнинг ўзининг ё ўзганинг никоҳига хиёнатни, хуфёна гуноҳи, ахлоқсизлик. Бу хунук гуноҳ жуда катта талофат ва қасофатлар келтиргани учун бир замонлар зинокашларга ўлим ҳазоси берилган. Демак, бу энг оғир жиноят ҳисобланган! Зинонинг асорати бугунги кунда ҳам худди ўшандай залворли!

Зино бировнинг жуфти билан хуфёна яшашгина эмас: дейлик, бирга ўқувчи ёки бирга ишловчи бир эр киши сенга сўқ назари билан қараб юради. Бир кун у атайин эшиттириб, қайсида кўйлагинг ёки рўмолингнинг жуда ярашгани хусусида луқма ташлайди. Сен одобли қизсан, бунга эътибор қилмадинг ва унинг устига, мазкур йигит сенинг дидингда-гидай эмас. Аммо шу луқма эсингда қолди. Бир сафар ўша йигит ёқтирадиган кийимингни қийиб келдинг ва "бир кўйдирай" дединг-да, ҳалиги йигит ўтирадиган жойдан атайлаб ўтдинг. Шу, холос! Аммо шугинанинг ўзи ҳам зино! Бировнинг никоҳини бузиш билан тенг зино! Чунки у атайин ўтанингни балки фаҳмлади, дилида сўнган илинж яна ғимирлади! Атай қилганингни фаҳмламанса ҳам, яраси янгилади. Узилай деб турган хаёллари яна сенга илашди, оиласидан яна бир қадар совуди. Сен яхши қизсан, унга қарамай кетаверсан, уйини бузиш хаёлингга ҳам йўқ. Аммо, эр-хотиннинг орасидан тафт кетди! Энди қанча вақт унинг кўнглида зилзила бўлади! Бу бузғунчилик бўлмай нима?

Буни-ку қўявер, сенга талпиниб турган, аммо ҳаётда бирга бўлиши мумкин бўлмаган кишининг ҳовлиси ёнидан ўтаётиб, атайин йўталиб ё томоқ қириб, унинг эътиборини тортишинг, туйғуларини қўзғотишинг ҳам зино!

Хаттоки, сенга қизиқиб турган оилалик эркакка ноз билан қараш, ҳа, биргина қараб қўйиш ҳам зино!

Ўзингни-ю ўзингни мутлақо кўрсатмай, минг қақирим наридан туриб, бировнинг хасмига кўнгли бузадиган хат юбориш ҳам зино! Хулласи, қай йўл билан бўлса-да, бировнинг эри, бировнинг отасини ўзига жалб қилиш ёки қизу йигитнинг боши очиб бўлса-да, ота-она ризолангиз, никоҳсиз жисмонан яқин бўлиши зиноий азимдир! Зинокашлик балокашлиқдир! Бундан ўзи асрасин, болажон! (Давоми. Боши ўтган сонларда.)

Турсуной СОДИКОВА

Яқинда кудамизнинг уйида меҳмон бўлдим. Утган-кетгандан анча суҳбатлашдик. Суҳбатимиз мавзуи ҳозирги ҳаётимизнинг фаровонлиги, кишиларнинг меҳнатсеварлиги, аммо айримларнинг ўрилик билан турмуш кечирishi ва унинг охири ёмон оқибатларга олиб келганлиги ҳақида бўлди.

Биринчи ҳикоя

Ҳаммамизга маълумки, мустақиллик шарофати билан қишлоқда яшаётган ҳар бир оилага кўшимча ер ажратилди. Меҳнатсевар халқимиз бундай ғамхўрликка жавобан астойдил тер тўкиб, бири бугдой, бири маккажўхори, бири беда экади. Турли сабзавот экинларини парвариш қилиб, мўл ҳосил олади. Ортиқчасини бозорга элтиб сотади. Ҳам оиласига, ҳам шаҳар халқига арзон маҳсулот етиштиради. Айрим нопок шахслар эса яқин кечалари туриб қўйларини бугдой, макка ва сабзавот майдонларига ҳайдаб боқиб, бундан фойдалана бошламоқда. Ана шулардан бири — Аҳмаджон. У кечалари ҳамма ширин уйқуда бўлганида қўйларини кишилар томорқасига ҳайдаб чиқар, тўйдирар ва тонг саҳарга яқин яна ўз уйига олиб келарди. Кунлар ўтар, бу одатини асло ташламасди. Бир кечаси кудамиз томорқаларини суғориш учун борганида бу ҳолни кўриб, унга танбех берибди...

- Аҳмаджон, бу қилигини ташла, қўйларингга икки қўлтиқ ўт уриб берсанг, кун билан тўқ туради-ку. Ахир халқнинг томорқасига нега кўз олайтрасан? Уларнинг қараб тургани шу томорқаси-ку. Уялмайсанми, ҳамқишлоқларингнинг юзига оёқ қўйишдан?

- Сизнинг ишингиз бўлмасин. Агар бировга айтсангиз сизнинг томорқангиздаги экинларни ҳам бир кечада гумдон қиламан, - дебди Аҳмаджон ўдагайлаб. Кудамиз анча хафа бўлибди. Ичиди эса: "Ҳа, сенга мен бас келолмайман. Худойи таоллодан топ", - дебди.

Аҳмаджон қўйларини бир неча кун шундай боқиб юрибди. Бир кун тонг саҳаргача қўйларини боқиб, йўл билан уйи томон ҳайдаб келар экан, бир семиз кўйини "Дамас" машинаси уриб кетибди. Қоронғида машина рақамини Аҳмаджон кўролмабди. У ниҳоятда хафа бўлибди. Қўйларини сотиб, пулига бир яхши сигир олибди ва уни кеча-кундуз боқибди. Кечалари яна кишилар томорқасидан ўт-беда, макка ўғирлаб келиб ситирига едирибди. Сигир ниҳоятда семирди ва бир кечаси бўкиб, ўлиб қолибди. Қилмиш-қидирмиш деганлари шу эмасми?..

Иккинчи ҳикоя

Сафия келин ёз пайтида тинмайди. Боласини ҳам тиндирмайди. Кўшимча томорқасида ҳар кун ишлайди. Айниқса қоқ туш пайтида кишилар томорқасидан экинларини ўғирлайди. Чунки бу вақтда ҳамма дам олади. Қишлоқда дув-

дув гап тарқалди. "Томорқаларимиздаги экинлар кундан- кун камаймоқда. Бедарларни ўраяттилар, маккаларни илдиизи билан суғуриб олиб кетаяптилар. Буни ким қилиши мумкин?.."

Кудамиз кунларнинг бирида томорқаларини айланиб келай, деган мақсадда йўлга отланибди. Томорқаси уйдан тўрт юз метр нарида экан. Бориб хабар олса,

ҲАР КИМИ ЖАФО ҚИЛСА...



бездорнинг ўртасидан анча жойи ўрилган. Қараса, 12-13 ёшлардаги ўғил бола қочиб кетаяпти. Уни таниб, чақирибди. Бола қочиб кетибди. Нариги томорқада эса, боланинг онаси Сафия келин ишлаётган экан.

- Ҳорманг, Сафия келин, қочиб кетаятган сизнинг ўглингиз эмасми? Ўглингизга кўшнингиз бедасини ўрма, десангиз бўлмайди? - депти.

- Болалик қилган амаки, озгина ўрса камайиб қолмайди-ку? - дебди Сафия келин тап тортмай.

- Хозирданок ўғирликка ўрганса, сиз қайтармасангиз ким қайтаради. Ахир келажакда катта ўғирлик қилиб камалса азобини сиз тортасиз-ку? - дебди кудамиз.

- Оғирлиги сизга тушмайди, боринг ишингиздан қолманг, -деб ўдагайлабди Сафия келин.

- Ахир бир менинг эмас, бошқаларнинг ҳам томорқасидан ўғирляясызлар, халқ буни билмайди деб ўйлайсизми? Мен бу қилмишингизни эрингизга, қайнотангизга ёки отангизга айтсам нима бўлади! - дебди кудамиз.

- Бир айтиб кўринг-чи, бир кечада томорқангизга ҳам, уйингизга ҳам зарар етказмасам, Сафия отимни бошқа

қўрман, - депти Сафия келин.

- Ҳа, майли, келин, билганингиздан қолманг, тепада Худо бор, ўзи жазоингизни беради, - деб кудамиз уйига раवона бўлибди.

Орадан бир неча муддат ўтгач Сафия келиннинг 13 ёшли ўғли бегадликка чалиниб вафот этибди. Энди аёл ҳар қанча додламасин ёлғиз фарзандини қайтариш қўлидан келмади. Ёмонликнинг касофати шу эмасми ахир...

Учинчи ҳикоя

Кўшни қишлоқда Нуриддин исмли йигит ва унинг турмуш ўртоғи Ҳанифа

ларни, яъни бу иш гуноҳ эканини тушунтирди.

- Отанг гап деб гапираверади? Мияси айниган чол-да, сен қилмасанг бошқаси қилиб беради, - деди Нуриддин.

Нуриддин бир бошқа устага тошни элтди. Уста ҳам бу иш гуноҳ эканини айтди. Аммо Нуриддин ҳам бўш келмади. Ўзидек бир кишини топиб, яримтага келишиб ишини битказди. Хотини билан бирга картошка, пиёзни деҳқонлардан кўтарасига олар, тарозидан уриб қолиб сотарди. Айниқса тўйчилар келса унинг ошиғи олчи бўларди. Бозор нархидан

5-10 сўм арзонроқ бера, аммо тарозидан уриб қоларди. Бир челақ — 10 кг. картошка деб ас-ида 8 кг. бера ва бу-

нинг эвазига беш-олти минг фойда кўрарди бир кунда. Ўзига яраша янги уй қурди. Болаларини яхши кийинтирди ва яхши боқди. Уларнинг бир ўғилу бир қизчаси бор. Болаларини онасига қолдирар, муштипар она уларга парвона эди. Бу ҳол 6-7 йилдан бери давом этарди. Нуриддин ва турмуш ўртоғининг бу ишлари яратган Эгамга хуш келмадими, ёки фалакнинг гардишлари, яна ким билсин тақдирини насибасими, қизининг бўйинлари ва баданлари оқара бошлади. Ота-она шифокорларга мурожаат қилишди, эскилик деб дуохонларга ўқитишди. Ромитан районига қарашли "Хўжабон" деган жойда 40-45 кун даволашди. Аммо фойдаси бўлмади. Ота-онанинг касри ўзига урса бўлмасмиди? Эҳ, яратган эгам бунинг сири фақат ўзинга аён...

Қадрли газетхон. Бу воқеалар уйдирма эмас. Бундай шахслар ҳамма жойда бор. "Билмайин босдим тиканни, тортадурман жабрини", деб шунга айтсалар керак-да! Ота-боболаримиз айтганларидек ҳар нарзининг ҳам ҳисоб-китоби бор. Наинки бу дунёнинг, балки охиракетинг ҳам дарвозаси бор. Бу илоҳий ҳикматни шох-бобур бобомиз шундай шарҳлаб ёзганлар:

**Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидир, Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқусидир.**  
**Яхши киши кўрмагай ёмонлик ҳаргиз, Ҳар кимки ёмон бўлса жазо топқусидир...**  
Жалолитдин Румий эса шундай ёзган: **Жабр қилган ўзин бошига етди, Ушал жабри ани мазорга элтди.** Бу ҳикоятлардан хулоса чиқариш ўларингизга ҳавола хурматли газетхонлар!

**Ғайбулла АБДУЛЛАЕВ**  
Бухоро вилояти, Ғиждуван тумани, "Зарафшон" ширкат ҳўжалиги

Қиссадан-ҳисса

ҚУШ УЯСИДА КЎРГАННИ ҚИЛДИ

Самарқанд вилоятининг Булунғур туманидаги Бот-бот қишлоғида яшовчи Мухтас Равшанова олти нафар фарзанд туғиб, барчасини ўғри қилиб ўстирди. Хонадонга тушган келинларнинг зуваласи ҳам қайнонанинг тупроғидан олинган бўлиб чиқди. Табиийки, неваралар ҳам шу "мактаб"дан сабоқ олишди.

Ўтган давр мобайнида "ўғрибоши она" раҳнамолигидаги бу оилавий жиноий гуруҳ юзлаб хонадонларнинг мол ва қўйларини ўғирлаб, ўзлаштириб юборишди. Ўғирланган моллар "ўғрибоши"нинг хузурига келтирилар, сўйилар ва гоҳ шу атрофда, гоҳ Тوشкентга олиб бориб сотиларди. Иш хамирдан қил суғургандек силлиқ кетавергач, ўғирларнинг "ўғримчак тўри" тобора кенгайиб борди. Қўшни Жомбой, Челақ, ҳатто Жиззах вилоятининг бир қатор туманларигача ёйилиб борди. Асосан, кечаси амалга оширилаётган бу ишда келинлар ва вояга етмаган болаларнинг иштироки кишини таажубга солади. "Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан

сўнг ҳам чиқади", деганларидек, яқинда оилавий жиноий гуруҳнинг ноқонуний фаолияти Жомбой тумани кунун ҳимоячилари томонидан фош этилди. Одил суднинг ҳукми қатъий бўлди. Бир катта оила парокандаликка юз тутди. Биз мақолада ўғирлар оиласининг йиллар давомидида қилган ишларини рақамларда ифодалаб, воқеалар тафсилотлари ва жиноий тўдадагиларнинг исми шарифлари ва кимга "қанча йил берилганлиги"ни батафсил баён қилиб ўтирмадик. Албатта, келинларга қолганда енгил жазолар билан кифояланишди, болалар эса танбех олди, бир сўз билан айтганда жазосиз қолди. Бу ҳам адолатдандир. Бирок, улар заҳарланиб бўлишган, ахир. Ҳаммасига ўша "ўғрибоши она" айбдор. Билъакс, бўрининг боласи бўрининг, тулкининг боласи тулкининг тарбиясини олади-да. Нима бўлганда ҳам жамиятимиз битта "чипқон"дан халос бўлганлигига шукр.

Хайрулла ҲАМПОЕВ

ГЎЗАЛ - ГЎЗАЛ ЭМАС...

Айтишларича, Лайли ҳабаш юзли, лаблари дўрдоқ, кўрimsиз қиз бўлган экан. Мажнунга маломат қилибдилар:

- Эй нодон, бу беҳусни чиндан севасанми? Унинг афти ангорига бир қара, мўнди-ку! Мажнун кўз ёшлари шашқатор оқиб, жавоб қайтарибди:

- Эй муҳаббат кўчасидан ўтмаган Худо беҳабар! Сен Лайлига бу нурсиз, ярим юмюк кўзларинг билан эмас, менинг юрак нигоҳим билан қарагин, шундагина менинг дардимни англайсан!  
**Муҳаббат беқиёс чиройлик хилқат, Шундан нигоҳлари болғик ҳар маҳал. Дилга мухрланар бир собит ибрат: "Гўзал-гўзал эмас, севганинг гўзал!"**

Эмишки, қадим Басра ҳокимларидан бири дам олгани ўз боғига чиқибди. Боғбоннинг хуснда танҳо, шу барбариди жуда ифбатли аёли бор экан. Ҳоким бу аёлни кўргач, ниятига шайтон оралабди. Бир юмуш баҳона боғбонни анча олисга жўнатибди. Боғбон кетгач, ҳоким аёлга дебди:

- Сен бориб боғнинг барча эшикларини қулфлаб беркитиб кел. Аёл бироз ўтиб, қайтиб келибди. Ҳоким сўрабди:

- Барча эшикларни беркитдингми?

САДОҚАТ БОР УЧУН...

Аёл жавоб қилибди:

- Фақат бир эшикни беркитишга ожизман. - У қайси эшик экан? - сўрабди ҳоким. - У — эримга бўлган садоқатим эшигидир! - дебди аёл дадил оҳангда. Ҳоким ҳам мулзам бўлиб, ҳам қойил қолиб, узр айтибди: "Кечир, мени синглим!"

**"Оламини гўзаллик қутқарар!" Ёлғон!!! Оламини садоқат сақлаб турибди. Садоқат бор учун муаллак осмон, Замин узра қуёш чакнаб турибди!**

Тошкент Дилмурод САЙИД

Бу дил изхорини ёзишдан олдин кўп ўйлардим. Лекин ҳаётидаги аччиқ воқеалар кўлимга қоғоз олиб ёзишга ундади.

Ёшим 37 да. Тошкент политехника институтини тугатган бўлсам-да, бугунги кунда бозорда яқна тадбиркорлик билан шуғулланаман. Оиладаги фарзандлар орасида ёлғиз ўғил эдим.

Мен 1986 йилда ўзимнинг ҳамқишлоғимга уйландим. Икки ўғил, бир қизли бўлди. Лекин келишмовчилик оқибатида 2000 йилнинг сентябрида суд никоҳимизни бекор қилди. Ажримдан сўнг ўз ихтиёрим билан уч хонали уй олиб, таъмирлаб, ҳужжатларини хотинимнинг номига расмийлаштириб бердим. Қўлимдан келганича болаларимдан яхшиликларимни аямайман.

Уйда мен ва 77 ёшли онам қолдик. Мен ҳар кун бозорга эрта кетиб, кеч келар эдим. Онам қийналиб овқат тайёрлар, ҳовли супуриб, экинларга қарарди. Бу ҳолдан дилим оғриб: "Кўйинг она, ўзим қиламан", - дердим. Лекин онам бекор ўтира олмас эди. Шу билан бирга онам қишлоғимиздаги энг катта бахши аёл эди. Қаричилик эмасми, онам тез-тез касал бўлиб қолар, лекин бирор кун ҳам касалхонада даволанмасди. Хуллас, ҳаёт мени иккинчи бор бахтимни синаб қуришга, уйланишга ундади. Юрагимда янги ҳаётга орзу-умид ўйғона бошлади. Кўнглимга муносиб ёнгина излай бошладим. Бир кун савдо қилаётсам, олдимга бозорда савдо қилувчи келинчақ келиб қолди. Хол-аҳвол сўрашиб, оила қуришим зарурлигини айтдим. Бу келинчақ мендан қўйлақ ва духиларни қарзга олиб сотиб, сўнг пулимни ўз вақтида қайтарарди. У ёнида савдо қилувчи бир аёлнинг бева синглиси борлигини айтди. Жувон опасининг олдида тез-тез келиб турар экан. Сўнг ўша бева жувоннинг опаси олдимга келиб суҳбатлашди. У синглисини мактаб, икки-уч кундан кейин олиб келишини айтди. Мен шу кунни кута бошладим. Ҳали менга номаялум бўлган, опаси мактаган ўша қиз ҳаёлидан кетмай қолди. У менга, мен унга маъқул келармиканми, деб ўйлардим. У қандай қиз экан? Қалбида мустаҳкам оила қуриш нияти бормикан? Ахир у ҳам менга ўхшаб ҳаётда бир бора адашибди-ку, у ҳам қайта адашишни, дўст ва душманлар олдида бош эгишни хохламас. Айтишади-ку: "Кўр ҳам ҳасасини бир бора йўқотадим", деб. Шу каби ҳаёллар билан ўша учрашув кунига ҳам етиб келдим. Савдо қилиб турарканман, ўз тиркичилиги билан бозор қилиб юрган аёлларни кузата бошладим. Шу пайт қаршимдан озгин, бўйи пастроқ, қорачадан келган чиройли келинчақ ўтиб қолди. Сийҳоран қўйлағи ва қўйлағидаги бўртиб чиқиб турган гулчалари, юганида кимирлаб, ялтираб нур қайтарувчи балдоқ сирғаси ҳуснига-ҳусн, кўрқига кўрқ қўшиб турар эди. Ўзимча уйга толдим:

"Эй қодир эгам, бу кимнинг умр йўлдоши экан? Хўжайини ким бўлса ҳам бахтли экан-а, қани эди менинг ҳам кутаётган қизим шундай сохибжамол бўлса", - дея Худодан тиладим. У билан бир кунлик бирга бўлишлик менга ҳоким бўлишдан ҳам, подшоҳ бўлишдан ҳам ортик кўринар эди. Гўёки дунёда бундан ортик лобар, гўзал хурлико қиз йўқдек эди. Бир оз вақтдан кейин мени синглиси билан таништирмақчи бўлган аёл савдо қилаётган жойга борсам, унинг ёнида бояги қиз ҳам турарди. Севинганимдан опасиغا таништиришини илтимос қилиб сўрадим. Иси Мохира экан. У мени узоқдан кўриш учун боя олдимдан ўтган экан. У билан узоқ дилдан суҳбатлашдик. Биз бир-биримизга биринчи суҳбатимизданок мас келганимизни билдик. Биринчи турмушимиз юзасидан

бўлган воқеаларни, ажралиш сабабларини бир-биримизга айтдик. Унинг қўл ва оёғи ревматизм экан. Оғир иш қила олмас, ҳар 6 ойда бир даволаниш керак экан. Биринчи боласи калтак таъсирида қорниндагидаёқ нобуд бўлган экан. Ўзи асли қўшни республиканинг бир қишлоғидан экан. У ҳам мустаҳкам оила қуриш истагида эканини айтди. Мен Мохирага агар менга турмушга чиқса, худди қиз боланинг тўйидек ҳамма нарса олиб беришимни айтдим. Бизни 1 октябр кун унаш-

масин, дер эдим. Ҳовлини супуришиб, сув сепишар эдим. Бозордан келсак бирга-бирга овқат қилиб, бирга ўйларни тозалашиб, кир ювишар эдим. Нимагаки у ҳам, мен ҳам эрталаб бозорга бирга кетиб, бирга чарчаб келардик. Шунинг учун мен ўтириб, у ишлашига виждоним йўл қўймас эди. Мохира билан байрам ва концертларни қолдирмай томоша қилар эдик. Ҳаётимиз шу тарзда давом этарди. Бирор марта ҳам ароқ ичиб келганим, ёки кеч келганим, бирор мартаба озгимдан сўкиниш ёки ёмон гап чиққани йўқ. Биринчи учрашувимиздан то ҳозиргача мендан 14 ёш кичик бўлса ҳам, у билан фақат "Сиз", деб муножират қилиб сўзлашаман.

Бир кун Мохира уйга бориб ётиб келаман, деб қолди. Мен унга: "Сиз ёш, 2-3 ойлик келин, бир ўзингиз ётиб қолсангиз бўлмас, бориб бугун кечки пайт қайтиб келинг. Бошқа кун бирга бориб ётиб қоламиз", - дедим. У аччиқ аралаш кўнди. Кечки пайт автовокзалда 2 соат интизорлик билан уни кутдим. Келарвермагач, қоронғида қўшни республикага қараб йўлга тушдим. Борсам, уйдан чиқиб келди. "Мохира, келаман деган эдингиз. Келарвермаганингизга

даги ҳамма кийим-кечақларини, расмларини олиб онамни алдаб кетган экан.

Ўртада ҳеч бир жанжал, айтишув, ҳатто бир-биримизга ёмон қараганимиз йўқ. Яна орқасидан излашга, ялинишга тушдим. Яна сикилиш, бош оғриш, уйқусизлик бошланди. Сабабини мен ҳам, топиб берган олчаси ҳам, онаси ҳам тушунмас эди. Мохира ҳеч кимнинг гапига сира кирмас эди. Хуллас, буни эскичадан бўлса керак, деб кўп жойга олиб бориб илму амаллар қилдик. Озгина ўзгариб яхши томонга силжиш бўлди. 24 кун дағанда 8 май кун, туғилган кунимга бир кун қолганда, илтимослар, ваздалар билан олиб келдим. Бир-икки ойдан сўнг айтмасам ҳам олиб кетган буюмларни қайтариб олиб келди.

Бир кун уйларига бориб ётиб, эртаси кун 21000 сўм пул билан қайтиб келди. "Бу ниманинг пули", - десам, "Синглимини пули, тўйига оқ туфли ва фата олиш учун берди", - деди. Мен унга: "Сиз ёш, 2-3 ойлик келин, бир ўзингиз ётиб қолсангиз бўлмас, бориб бугун кечки пайт қайтиб келинг. Бошқа кун бирга бориб ётиб қоламиз", - дедим. У аччиқ аралаш кўнди. Кечки пайт автовокзалда 2 соат интизорлик билан уни кутдим. Келарвермагач, қоронғида қўшни республикага қараб йўлга тушдим. Борсам, уйдан чиқиб келди. "Мохира, келаман деган эдингиз. Келарвермаганингизга

Биз бирга бозорда савдо қилиб ўтирган эдик. Мохира бозорни айланиб келиш учун туриб кетди. Бир оздан сўнг қайтиб келиб олма бозоридидаги бир холаси, мушк-анбар духисини кераклигини, бу ерга ўзи келолмаслигини айтибди. Мен Мохирага: "Бундай духи бизда йўқ-ку", - дедим. У: "Кўшимизда бор, ҳозир олиб бориб бераман", - деб кетди.

Энди қайтиб келиб кўшимизнинг савдо растаси олдида турган эди. Бир йигит келиб: "Менга Мохира мушк-анбар духисини олиб келиб берган эди, Мохира қани", - деди. Мен Мохирага: "Сиз бу духини холамга деган эдингиз. Бу йигит ким, нимага сиз олиб берган духини қайтиб олиб келди. Буни қандай тушуниш мумкин?" - дея сўроққа тутдим. У: "Бу йигит бизнинг қариндош", - деди. "Ундай бўлса нега холамга дедингиз? Бу йигит қариндош бўлса яқиндан таништирмадингиз, ўзим бориб танишай", - дедим. Шу пайт Мохира сумкаларини олиб, уйга қараб йўлга тушди. Мен унинг орқасидан қолишни сўраб бордим. Мохира гапимга кўнай бозордан чиқиб кетди. Охири: "Кетмайсиз", - деб қўлидан маҳкам ушладим. Ёз эмасми, қўйлагимнинг устидан билагимни жон-жаҳди билан тишлаб олди. Мен: "Нима қилсангиз ҳам қўйиб юрбормайман", - дедим. Қўлимда 8 та тиш ўрни қолиб, яра бўлибди. Мохира ҳам амаллаб кўндирдим. Шунда ҳам унга ёмон сўз демадим. Урмадим, уришмадим. Дори ва доқа олиб уйга қайтдик. Кечкурун қўлимни бойлаб ётдим. Эрталаб бозорга бориб яна савдо қилаётганимизда У: "Мен ҳоҳатхонга бориб келай", - деб алда қочиб кетди. Мен кечкурун Мохирага оиламиз бузилмаслиги учун кўп насихат қилган эдим. Афсус, гапларим қор қилмабди. Мен яна Мохирани уйма-уй излашга тушдим. Онаси, опчалари уйига бориб уни суриштирдим.

(Давоми бор.)

Тошкент вилояти,  
Бекобод тумани

Т. Ҳ.

## УНИ ДЕБ АҚЛУ



## ХУШНИМАН ОЗИБМАН...

тиришди. Мохирага биринчи совғам тилла узук бўлди. У ҳар доим келганида тўйга деб материаллар, жемпир, оёқ кийимлар, ота-онасига, ука ва синглисига бирор кийим олиб берар эдим.

Мохирага хоҳлаган буюмини нарҳига қарамай олишини илтимос қилар эдим. Тўйдан олдин у даволанди. Нима керак бўлса ўз вақтида етказиб турдим. Албатта, мен буларни чин кўнглимдан қилдим. Катта тўй қилишга келганда уйдигилар менга қаршилик қилди. Кичик тўй қилиб, 2000 йил 31 декабр кун Янги йил, янги аср билан бирга уйимизга янги келин, яъни Мохира салом бериб кириб келди. Мохиранинг келишини интизорлик билан, ҳавас билан кутганим. Уйларни таъмирлаб, янги келин келади, деб пардаларигача янгиладим. Янги ҳаётим бошланди. Гўё мендан-да бахтли одам йўқдек эди. Унинг ҳуснига кўпчилик ҳавас қилар эди. Уйга меҳмонлар келса жуда яхши кутиб олар эди. Овқатларни жуда мазали қилар эди. Овқат тайёрлаш учун нимаики керак бўлса етказиб турар эдим. Ҳар кун қўй гўшти ер эдик. Мохира нима хохласа, етказиб келар эдим. Бирор кун ҳам уйга қўлим бўш келмас эди. Бозордан қайтсам, дарвозадан киришда биринчи ўнг оёғим билан кирар эдим. Яхши кутиб олсин, дер эдим. Ой янги бўлса, янги ойдан хотиним билан бахтли бўлиб кетишимни илтижо қилиб сўрар эдим. Бир-икки мартаба замир қориб, нон ёпди. Ухлаш жойимизни ҳар кун ўзим солиб, ўзим йнгар эдим. Йўқ-йўқ мен Мохирага айтсам қилмайдди, деб эмас, қийналмасин, қўли оғри-



хавотир олиб чегарадан кўп миқдордаги савдо пулим билан ўтиб келдим. Уйга юринг, онам хавотир олмасин", - десам, "Йўқ, ўзингиз кетаверинг", - деб туриб олди. Биринчи бор унинг раҳмсизлигини шунда кўрдим. Кўчада машина кутиб, бир соатдан ошқиб бегона юрта қоронғида турдим. Орқамдан ҳеч ким чиқмади. На ўзи, на онаси, на укаси, на отаси. Хуллас, уч кунгача уни ортидан ўзга юрта сарсон-саргардон бўлиб, онасининг, опча ва поччасининг ёрдами билан зўрга уйга қайтариб олиб келдим. Биз яна аввалгидек яшай бошладик. Лекин уйга борадиган бўлса, менинг бирга боришимга қаршилик қилар эди. Нега бундай қилади, тушунмас эдим.

Бир кун эрталаб Мохирага: "Сиз ҳам юринг, бозорга қарашасиз, танишларни кўриб келасиз", - десам, "Йўқ", - деди. Ўзим бориб савдо қилаётсам, келиб қолди. "Қалай келдингиз", - десам, "Зерикдим, уйга бориб келай", - деди. Мен: "Нима гап, тинчликми, бориб келганингизга 5 кун бўлибди", десам, "Йўқ, зерикдим", - деб туриб олди. У озгина қарашиб турган: "Қулупнай чиқибди, янгилик, пул беринг олиб келаман", - деди. Хўп, деб айтган пулини берсам, ўзимдан ҳам, қулупнайдан ҳам дарак бўлмади. Ҳа, уйга кетган бўлса керак, деб уйга борсам, онам: "Мохира иккита катта сумкада буюм олиб кетди. Бу нима", - десам, "Сотиладиган буюмлар", деб айтди", деди. Мен сотиладиган буюмларим уйимизда йўқ эди, улар бозорда қолади деб эшикни очсам, уй-

27 июн — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

## ҚАЛБИМИЗНИ МЕХР ТАРК ЭТМАСИН!



**Насиба МАКСУДОВА**ни яхши танийсиз. У ҳар шанба хонадонингизга "Ассалом Ўзбекистон" дастури орқали хуш кайфият олиб киради.

- Насиба опа, сизни юртимизда деярли барча танийди. Машҳурсиз. Бунга эришиш осон бўлгандир...

- Дунёда осон эришиладиган нарсанинг ўзи йўқ. Мен мактабни битирганимда тележурналист бўлишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйгандим. Анча қаршиликлар бўлди. Болалигимда уйимизга санъаткорлар кўп келишарди. Уша пайтнинг машҳур ҳофизларидан Саттор Ярашев, Карим Зокиров, Комилжон Отаниёзовлар, айниқса дадам билан бирга ўқиган Ойбек домла келса, уйимизда байрам бўлиб кетарди. Дадам иккиси чойни ҳам бир-бирига шеър билан уза-тишганини кўрадим. Хонадонимиздаги ана шу муҳит таъсиридани, менинг қалбимда ижодкорларга ўзгача меҳр уйғонганди.

- Насиба опа, келинг суҳбатимизни ҳозир кўпчилик интиқ бўлган туйғу, меҳр ҳақидаги сўзимиз билан давом эттирайлик. Сиз меҳрдан баҳрамандмисиз?

- Меҳр. Айнан шу нарсалар ҳаётимнинг безагидир. Ижод, иш, ҳаётнинг ҳамма қувончу ташвишлари ўз йўлига-ю, лекин ўзинг суяган жигарларинг билан дийдорлашишдан гўзалроқ бахт йўқ дунёда. Биз оиламизда олти фарзандимиз. Ҳар шанба куни ота уйимизга йиғилишиб дийдорлашмоқ биз учун муқаддас анъанага айланган. Қайси касбда ишламайлик, қаерда бўлмайлик шанба куни ота-онамиз яшаб ўтган уйга йиғилишамиз. Мириқиб суҳбатлашамиз, тўйларимиз ҳақида маслаҳатлашамиз. Муаммоларимизни бирга ҳал этиб, ютуқларимиздан хурсанд бўламиз. Мен эса опа-укаларимга ўз қўлим билан ош дамлаб бераман. Бу удумни биз фарзандларимизга ҳам сингдириб бораемизки, улар ҳам биздан кейин худди шундай анъанамизни давом эттирсинлар.

- Демак, сиз пазанда экансиз-да?

- Ҳа, ўзимни мақтамайману, лекин 25 килограммгача бўлган ошларни чиройли дамлай оламан. Айниқса, моҳорани яхши пишираман. Умуман олганда таом тайёрлаш жону дилим. Уйда

бўлсам, бир неча овқатни кетма-кет тайёрлаб ташлайман. Ширин овқатлар пишириб, оилам, умр йўлдошим, фарзандларим даврасида ўтиришни яхши кўраман.

- Сизнинг фаолиятингизга ҳам 35 йилдан ошибди. Лекин ҳамоно дилбар ва жозибалисиз...

- Балки ишимни севганим, ишхонамга ҳар куни худди байрамга келгандек қувониб келишим учун шундайман...

Касбим эфирга чиқишимни тақозо қилгани учун эмас, аёл киши бўлганим учун ҳам ораста бўлиб юришни ёқтираман. Ишдан кейин касбим тақозоси билан сурилган гриммларни артиб ташлайман. Қайси касбда ишлашдан қатъи назар, ҳамма аёл ўзига қарашини, зарур бўлса пардозни ҳам жойига қўйиб юришни жоиз, деб биламан. Уйга келгач юзларимни ювиб, терини озиклантирувчи крем суриб қўяман, холос.

- Сизни бир кийган кийимини қайта киймайди, дейишади.

- Сал ошириб юборишади. Мен оддий кийинишга ҳаракат қиламан. Кийимлар ҳам дид билан танланса кўпроқ ярашади кишига. Фақат кийимларимни белгиланган тартиб билан кияман, холос. Масалан, бугун эгинимдаги либосим билан эфирга чиқдим, энди уни орадан бирор ой ўтгач яна кийишим мумкин. Аслида ҳеч қачон қимматбахо кийимга қизиқмайман. "Кийимга қараб кутиб олишади-ю, ақлга қараб кузатиб қўйишади", - деган гап бор. Шунинг учун одамларда кийимим билан эмас, ўз муомалам, яхшиликим билан таассурот қолдиришга ҳаракат қиламан.

- Телевизорда ҳар доим хуш кайфиятда кўрамиз. Айниқса кўзларингиз чиройли қулиб туради.

- Агар кўнгилда норозилик бўлса, чиндан ҳам қанча яширишга уринмайлик кўзларимизда акс этиши рости. Мен журналистман. Кўп йиллик фаолиятим давомида ўзим мулоқотда бўлган инсонларнинг ички дунёсини ҳам ўрганишга, тушунишга ҳаракат қилганман. Ҳаётимдан, ўз касбимдан, оилавий бахтимдан мамнунлигим кўзларимда акс этган бўлса, бундан янада бахтиёрман. Яхши кайфият, табассум инсонни ҳар доим яхши ишлар қилишга ундайди. Кўнглига нур бағишлайди.

- Кўёвларингиз бор эди, қинда келинлик бўлибсиз. Қандай қайнонаман, деб ўйлайсиз?

- Оллоҳ қайноналикка етказганига шукр. Уч фарзандим Барноҳон, Отабек ва Ғузэлан уйлик-койлик бўлишган. Кўёвларим ройишли, келиним ҳам ўз боламдек. Улар бир-бирига меҳр-оқибатли, бир-бирига суянчиқ эканлигини кўриб бахтим чандон ошади. Қизларимнинг оиласидан хамиша хабар оламан. Ўғлим Отабекка ҳам опаларига хамиша ғамғур бўлишини тақидлайман. Бир аёл орзу қилган бахтга эришганман, десам арзийди.

- Касбдошларингизга тилакларингиз?

- Касбдошларимизни муборакбод этарканман, уларга бахт, соғлик, ижодларига юксалиш тилайман. Меҳр хонадонимизни ва кўнглимизни тарқ этмасин.

- Тилакларингиз учун ташаккур.

Басира САЙИДАЛИЕВА  
суҳбатлашди

**Хулкар ҲАМРОЕВА** — Ўзбекистон радиоси "Ҳар бола — бир дунё", "Хамроҳ" маърифий-муסיқий эшиттиришларининг муаллифи ва бошловчиси.

- Хулкар опа, ҳар бир эшиттиришингизда муаммоли, мунозарали мавзуларни кўтариб чиқасиз. Мухлислар ёки суҳбатдошингиз билан мулоқотнинг ўзидаёқ "оғрикли нуқталар"ни топиш уддасидан чиқасиз. Қутилмаган - ўринли саволларни берасиз. Эфир вақтида келадими бу саволлар ёки аввалдан ўйлаб юрасизми?

- Кўпинча ўйлаб қўйган савол, фикрларимга эфир вақтида ўрин қолмайди. Энг керакли айтиладиган гаплар микрофон олдида тугилади. Кўпинча мендан "аччиқ ҳақиқат"ни аямай айтганим учун ранжиб қолишади ҳам. Лекин силлиқлаб, сий-



## ...БИТТА ДУНЁ ҚОЛСИН ҲАЙРАТЛИК

палаб гапириш қўлимдан келмайди. "Эшиттиришингиз фалсафий", дейишади. Ҳаётнинг ўзи фалсафа-ку. Шоирнинг: "Ўзбекининг қора кўз болаларига битта дунё қолсин ҳайратлик", деган сўзларини ҳар эшиттиришда эфирга узатамиз. Биз — катталар болаларни ҳайратланишга, фикрлашга ўргата билишимиз керак.

- Сизнинг назарингизда бугунги кун журналисти қандай хусусиятларга эга бўлиши керак?

- Дунёқарашини кенг, ўз соҳасини чуқур биладиган, бошқа соҳаларга ҳам "тиши ўтадиган" ҳамкасбларимга ҳавасим келади. Энг муҳими, қалбда тугёни, ўз сўзи, ҳеч ким ўзгартирма олмайдиган, ички зиё билан уйғунлашиб кетган ФИКРИ бўлиши керак. Олдий воқеанинг, муаммонинг шарҳловчиси бўлмасин, балки дадиллик, ўқтамлик ва ҳалоллик билан ёрита олсин. Тинимсиз изланиш, бедорлик керак журналистга.

Ўтган йили амалиётчи журналист-талабалар келишиб: "Шукур Бурхононинг хотира кечасидан лаҳза тайёрламоқчимиз", деб қолишди. Мен: "Бу санъаткор тўғрисида нималарни биласизлар?" деб сўзиди. Узуқ-юлуқ жавобларидан қониқмай: "Боринглар-да, Шойим Бўтаевнинг Шукур Бурхонон тўғрисидаги эссесини ўқинглар", дедим. Журналистикада тезроқ машҳур бўлишни орзу қилмаслик керак. У жуда катта фидоийлики талаб қилади.

- Кейинги пайтларда енгил-елли кўрсатувлар, эшиттиришлар кўпайиб кетаяпти. Энг ачинарлиси, адабий тил бузилиб, шеваларда тортинмай гапирилаяпти...

- Хусусий телевидение, радио каналларининг ишлаш услуби бир хил, бир-бирини такрорлайдиган кўрсатув, эшиттиришларнинг савияси ташвишлантиради, ўзбек адабий тилига жуда катта ҳурматсизлик бўлаётгани раңжитди кишини. Биз бундай саводсизликдан қутулишимиз керак. Умуман кўрсатув ёки эшиттиришни тайёрлашдан бирор-бир мақсад бўлиши керак. Радиоода овознинг ёқимли, ширали бўлиши биринчи ўринга қўйилган талаб эканлиги туйғайли, журналистда фикран тарбиялаш, мулоҳаза билдириш каби хусусиятлар қашшоқлашиб кетаяпти. Қутилмаган савол мушоҳадаси, таҳлилини ёқимли овоз бажаролмайди баъзан...

- Ёшлигингиздан журналист бўлишни орзу қилганмисиз?

- Чақалоқлигимда илмни ниҳоятда қадрлайдиган дадам илк тирноғини китоб устида олган эканлар. Китобга меҳрли бўлишимни орзулаганлар. Икки укамнинг тирноғини эса дорининг устида олганлар. Ҳозирда улар етук шифокор, иккаласи ҳам фан номзоди. Дадам бизнинг мақсадларимиз билан қизиқардилар. 6-синфдалик пайтимдаёқ мен туман радиосида тўғридан-тўғри эшиттириш олиб борардим. Дадам доимий тан-

қидчим, маслаҳатгўйим...  
- Инсондаги қайси фазилатларни ёқтирасиз?

- Абдулла Қаҳҳор қаҳрамонларидан бири: "Одамнинг оқишти бўлмади", - дейди. Рост. Инсон оқилда қандай тарбия олса, табиати ҳам ўша муҳитга хос бўлади. Оила ҳам бир давлат. Унинг ўз қонунлари, тартиб-қоидалари бор. Кўпинча: "Ёшларимиз, қизларимизнинг тарбияси бузилаяпти, замонавийлашиб кетишяпти", - деймиз. Аввало тарбия берадиган ота-онанинг ўзи билимли, одобли, маданиятли бўлиши керак. Замонавийликка интилсин, майли, лекин бу замонавийлиги қалбидаги шарқоналик билан вобаста бўлсин-да.

Ҳаётда Бешариқ туманида бўлдим. Бир онахон шу қадар табиати севар эканларки, ҳатто ҳаждан гул кўчати олиб келибдилар. Хонадонига кирсангиз турфа гулларни кўриб ол қоласиз. Ўзи оддий уй бекаси, лекин гулни таърифласалар худди шеър эшитгандек бўласиз. Келинларига: "Менга овқат қилиб берсанг кечираман, уйимни супурмасанг раңжимайман, аммо гулларга сув қуймасанг қаттиқ хафа бўламан", - дەر экан. Бола тарбияси билан банд келинлари хамир қораётган бўлса, қошига ўсмасигача суриб қўяр экан. Эътиборни, меҳрни қаранг. Мана шу-да, инсонларда ноёблашиб кетаётган фазилат. Мен Собҳидоҳон ҳожи онадан кўп нарсаларни ўргандим. Уша кундан бошлаб уйимда гул ўстира бошладим...

- Эшиттиришларингизда кўп шеър ўқийсиз...

- Халқимиз шеър тилини яхши тушунади, дарду ҳасратини шеър орқали айта билади. Шеър ўқини яхши кўраман. Янги ёзилган шеър, янги чиққан китобни эфир орқали муҳлисларга етказишдан завқ оламан. Худди бетаъшиқ болалигимдаги каби ҳозир ҳам бутун дунёни унутиб ойлаб китоб ўқийшим мумкин. Талабалгимда стипендияни фақат китоб ва газета-журналга сарфлардим. Бу одатимни ҳалигача тарқ етмайман.

- Армонингиз борми?

- Бир кам дунёда доимо мен номини билмайдиган нимадир етишмаётгандек туюлади... Аммо қизим Тумарис 3 ёшида ўзи мустақил ўқини ўрганиб, 5 ёшида мактабга борганида, Темури эса 9 ёшида Хайридин Султоновнинг "Бобурийнома"сини ўқиб, мулоҳаза қила олганида армонларим чекинган — чинакам бахтли бўлганман.

- Орзу-ниятларингиз?

- Қизим ва ўғлим раҳматли дадаси (шоир Аъзам Ўқтамнинг), менинг армонга айланган орзуларимнинг рўёбга чиқаришларидан умидворман. Оллоҳдан шуни сўрайман.

- Самимий суҳбатингиз учун раҳмат.

Хулкар ХОТАМБОЕВА  
суҳбатлашди

### Оила ва жамият

Муаллиф фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Фойдаланилмаган кўлэмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб қилинмайди. Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

### БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САЙДОВА

Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20  
Табриқлар, эълонлар: 133-04-50  
Бўлимлар: 34-25-46

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмақонаси. Манзил: Тошкент, Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 20.00  
Босишга топширилди - 21.00

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:  
Тошкент - 700000  
Амир Темури кўчаси,  
1-тор кўча, 2-уй.

### ХОМИЙ: «Матбуот таркатувчи» Акционерлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - { якка обуначилар учун 176

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 33 рақам билан рўйхатга олинган.  
Буюртма Г - 541. Формати А-3, ҳажми 2 босма тобук, Баҳоси эркин нарҳда. Адади - 30 000  
Саҳифаловчи — Жаъфар ЖАБОРОВ.  
Рассом — Набижон ХОЛМУРОДОВ.  
Навбатчи - М. СОДИҚОВ.